

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
“Иқтисодиёт” кафедраси мудири
дотс. А. И.Рахматуллаев
“ ” 2013 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Иқтисодиёт” факультети декани
и.ф.д. А.Ф.Хуррамов
“ ” 2013 йил

“Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида пахта ишлаб
чиқаришни иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари”
(Карши тумани “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалиги мисолида) мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт” таълим
йўналиши битиравчиси IV курс И-42
гурух талабаси _____ Пўлатов
Обид Ўткирович

ИЛМИЙ РАҲБАР:
Иқтисодиёт кафедраси катта ўқит.,
и.ф.н. _____ З.С.Шоҳўжаева

Битирав малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
сонли баённома “ ” 2013 йил

ҚАРШИ – 2013 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ-----

I.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

- 1.1. Пахтачиликнинг иқтисодий аҳамияти ва вазифалари иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари-----
- 1.2. Пахтачиликда асосий технологик тадбирларни ташкил этиш ва режалаштириш. -----

II. БОБ. ҚАРШИ ТУМАНИ “АБРОР ҚИЗИ ГУЛИЗА ”ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

- 2.1. Хўжаликнинг умумий таснифи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси-----
- 2.2. Қишлоқ хўжалигида пахта ишлаб чиқариш самарадорлик қўрсаткичлари таҳлили -----
- 2.3. Хўжаликда пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.-----

III.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

- 3.1. Пахтачиликда ишлаб чиқарishни механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорациялаш тадбирлари самарадорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири -----
- 3.2. Фермер хўжалигининг ер худудларини самарали ташкил этиш ва пахтачиликда алмашлаб экиш самарадорлик гаровидир-----
- 3.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта хом-ашёси ишлаб чиқарishнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари-----

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР -----

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ -----

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг энг асосий шартларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиёти устиворлигини таъминлаб, қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш ва ички хўжалик юритиш механизмларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта қуришдир.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида асосий эътибор бозор иқтисодиёти тамойиллари, йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари хамда механизмлари талаблари асосида, кўпроқ, арzon, юкори сифатли ва ракобатбардош товар маҳсулотлари жумладан пахта хом-ашё ишлаб чиқариш, сотиш, уларни корхона ва тадбиркор учун самарадорлигини таъминлашга қаратилиши лозим. Шунинг учун асосий эътибор энг муҳим иқтисодий дастаклар: харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, даромадлиликни мақсадга мувофиқ даражасини таъминлаш имкониятларини қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳозиги куннинг асосий долзарб масалалардан биридир.

Республикамиз Президенти И. Каримов 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари хамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasида қуйидаги маълумотларни келтирди: «2012-йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юкори ҳосил олинди. Мамлакатимиз дехқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари ийғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, дехқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир».¹

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан асосий маҳсулот тури бу пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган пахта хом-ашёсига жаҳон мамлакатларнинг талаби юқориги бўлган пайтда уни янада ишлаб чиқаришини қўллаб-кувватлаш асосий аграр масалалардан биридир.

Мамлакат аҳолисининг истеъмол буюмларига ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ҳамда асосий стратегик маҳсулот пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш, энг аввало, агросаноат мажмуаси ва бу мажмуанинг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароити, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётимиздаги, ҳаётимиздаги ўрни бу соҳани ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакат аҳолиси ҳаётида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аҳмиятга эга.

Ҳозирги кунда, мамлакатимиз стратегик маҳсулоти пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш фермер хўжалиги хиссасига тўғри келмоқда ва бу хўжалик юритиш шаклининг асосий вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Шунинг учун фермер хўжаликларини ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғинига, уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Ҳозирги вактда фермерлик харакати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштириди. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, этишириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар хиссасига тўғри келмоқда.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

Қишлоқ хўжалигига барча хўжалик юритиш шаклларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилиши бу саноат корхоналарини сифатли хом-ашё билан, аҳолини озиқ-оқат билан ва мамлакатни экспорт салоҳиятини оширишга замин яратади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаси. Битирув малакавий ишининг мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитда пахта ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Кўйилган мақсаддан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- Қишлоқ хўжалигига пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан;
- вилоятимиз фермер хўжаликларида пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган агроиктисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб бериш;
- Пахтачиликни ривожлантиришда ер, моддий-техника воситалар билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

Битирув малакавий ишининг обьекти ва предмети. Қашқадарё вилояти Қарши туманида дехқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган “Аброр қизи Гулиза” номли фермер хўжалиги илмий тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласи.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, агроиктисодиёт фанининг классик намоёндалари илгари сурган таълимотлар, йирик агроиктисодчи олимлар ғоялари, илмий-тадқиқот институтлари олимларининг илмий ишланмалари ташкил этади. Иқтисодий воқеликни ўрганишда диалектик услугуб асос қилиб олинди. Тадқиқот жараёнода маълумотлар бевосита фермер хўжаликларидан, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва туман бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлардан олинди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қўйидагилардан иборат:

- Қишлоқ хўжалигига пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- вилоятимиз фермер хўжаликларида пахтачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган агроиктисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб берилди;
- пахтачиликни ривожлантиришда ер, моддий-техника воситалар билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Малакавий иш натижалари қўйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

- Қишлоқ хўжалиги корхоналарида пахта хом-ашёсини ишлаб чиқариш жараёнода харажатларни камайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун чора-тадбирларни амалга оширишда;
- фермер хўжалигини пахта хом-ашёсини етиштиришда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш жараёнларида.

Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадвал, расмлардан иборат.

Кириш қисмидা. Танланган мавзунинг долзарбилиги асосланган. Малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти қайд этилган.

Биринчи бобда. Фермер хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш ва пахтачилик тармоғининг ривожланишининг назарий асослари, уларнинг аҳамияти, қишлоқ хўжалигининг пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришда дехқончилик тизими ва пахтачилик соҳасини ривожлантириш тажрибалари ва уларнинг ўзигахос хусусиятлари назарий жиҳатдан очиб берилган.

Иккинчи боб. Хўжаликнинг умумий таснифи ва пахтачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, фермер хўжалигининг пахта хом-ашёси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Учинчи боб. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалик корхоналарида пахта ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш, механизациялаш, автоматлаштириш ва мелиорациялаш тадбирларининг ишлаб чиқариш самаралдорлигини оширишдаги муҳим масала эканлиги, интенсивлаштириш-фермер хўжаликларининг ялпи ва товар маҳсулотини қўпайтиришнинг муҳим омилидир, фермер хўжалигига ялпи маҳсулотни қўпайтириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмida малакавий иш натижалари бўйича олинган хулоса ва таклифлар баён этилган. Битирув малакавий ишнинг назарий ва амалий жиҳатдан баён этилган _____ бетдан иборат.

І.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Пахтачиликнинг иқтисодий ахамияти ва вазифалари иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири дехқончиликдир. Дехқончилик тармогини тўғри ташкил қилиш ва мақсадга мувофиқ юритиш корхонада қабул қилинган дехқончилик тизимига асосланади.

Дехқончилик тизими дейилганда талаб даражасидаги сифатда, арzon, ракобатга чидамли дехқончилик махсулотлари етиштириш мақсадида, ердан тўла фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро bogлиқ хамда бир-бирини тўлдирувчи иқтисодий, ташкилий, техникавий ва агротехник тадбiriй - чоралар йигиндиси тушунилади.

Дехқончилик тизимининг асосини дехқончилик технологияси, яъни агротехникаси ташкил қилади. Бу дехқончилик технологияси, яъни тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш соҳасидаги агротехник тадбирларнинг йигиндисидан иборат бўлиб, парвариши қилинаётган экинлар хусусиятига мувофиқ келиши, уларнинг ўсиши ва ривожланишига кўмаклашиши хамда пировард натижада арzon ва юқори сифатли хосил етиштиришни таъминлаши керак. Хар хил табиий – иқтисодий ва хўжалик юритиш шароитларига мувофиқ келадиган дехқончилик тизимлари, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига мос келиши, яъни техник ва химиявий воситалар, экинларга ишлов бериш технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашувига қараб доим ўзгариб, янгиланиб келмоқда ва шундай тараққий этиб бораверади.

Дехқончилик тизими тўгрисидаги таълимот 200 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, унинг алмашиниб туриши қуйидаги тартибда амалга оширилган:

- ўрмон ва чакалакзорларни куйдириб дехқончилик қилиш;
- ерларни узоқ муддатга ташлаб қўйиб, (кўриқ ва партов тизими) дехқончилик қилиш;
- шудгорлаш орқали дехқончилик қилиш ;
- ўт-далали алмашлаб экиш ёрдамида дехқончилик қилиш;
- катор ораларига ишлов бериб, дехқончилик қилиш, хусусан сугориладиган худудлардаги дехқончилик тизими.

Ўрмон ва чакалакзорларни кирқиб, дехқончилик қилиш. Бу усул дехқончилик юзага келабошлаган дастлабки даврларга тўғри келади. Хусусан, мулкчилик пайдо бўлмасадан аввал ва кулдорлик тузумининг дастлабки пайтларида экин экиладиган ерларни танлашда хеч қандай чегарага амал қилинмаган. Кишилар ўрмон ва чакалакзорларни кирқиб ташлаб ёки куйдириш йўли билан ер очиб, дехқончилик қилганлар. Ер унумдорлиги пасайгандан кейин худди, шундай усул билан бошқа ерларда махсулот етиштирганлар. Бу тизимда тупроқ унумдорилиги кишиларнинг фаол иштирокисиз, факат табиий омиллар хисобига тикланган. Кейинчалик партов-кўриқ тизимига ўтилган.

Партов деб илгари экин экилган, кейинчалик ташлаб қўйилган бегона ўтлар босиб кетган ва ундан яйлов хамда пичанзор сифатида фойдаланиладиган ерларга айтилади.

Партов ва кўриқ ерларни очиб ўзлаштириб дон экинлари экилганда улардан 7-10 йил хосил олинган. Шундан кейин ерларнинг тупроқ унумдорлигини тиклаш учун узоқ муддатга 25-30 йилга ташлаб қўйилган. Ахоли сонининг тез ўсиши ва айникса, қишлоқ хўжалиги махсулотларига талабнинг ортиши, ерга хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши натижасида ердан бирмунча унумли фойдаланиш зарурияти тугилган. Шундан кейин ташлаб қўйилган ерлардан қисман фойдаланиш тизимига ўтилган. Шу тартибда ташлаб қўйилган ер, бир неча қисмга бўлиниб, унинг бир қисмига экин экилган, қолган қисми эса 10-15 йилга ташлаб қўйилган.

Ердан бундай фойдаланиш қишлоқ хўжалик махсулотларига бўлган талабни қондира олмагандан кейин, ерларга узоқ муддат дам бериш ўрнига шудгор қилиб қўйиш орқали тупроқ унумдорлигини тиклаш тизими жорий қилинган.

Шудгорлаб қўйиш тизимининг моҳияти шундаки, сурункасига бир неча йил пахта ёки донли экинлар экилиб борилиб, кучсизланиб қолган ва бегона ўтлар босиб кетган ерлар кузда ёки баҳорда хайдалади. Кейин ерлар бегона ўтларга қарши шудгорланади ёки ёғингарчилик туфайли хосил бўлган дон экинлари экиласди. Шудгор қилингандага далалардаги бегона ўтлар йўқолади, ерда нам тўпланади, тупроқда кислород ва озиқ моддалар тўпланади, экин экиб банд қилинмаган шудгорга тоза ёки қора шудгор дейилади. Шудгорланишнинг бу тизимидан собик иттифокнинг кўпроқ галлакор туманларида фойдаланилган. Ўз - ўзидан равшанки сугориладиган туманларда бу тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Фан ва техниканинг тарраккий этиши, хамда шахар ахолисининг тез суръатлар билан кўпайиши туфайли, ахолининг қишлоқ хўжалиги махсулотларига, айникса, чорвачилик махсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига талаби анча ошади.

Бу даврларга келиб фаннинг ривожланиши ва хусусан биология фани, ўсимликларнинг озиқланиш хусусиятларини кашф этилиши, дехқончилик тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Француз табиатшунос олими Либих, хамма экинларни озиқланиш хусусиятига кўра 2 гурухга бўлиб, биринчи гурухдаги экинлар тупроқдан озиқ олишини ва иккинчи гурухдагилар эса хаводан озиқ олиб, озуқа моддалари илдизда тўпланишини исботлади ва самарали дехқончилик шу экинларни ўзаро алмашлаб экишга асосланиши кераклигини илмий жихатдан асослаб берди. Қишлоқ хўжалик махсулотларига тобора ортиб бораётган талаб ва фан - техника тараққиёти натижасида шудгорлаб экиш тизими дехқончиликда анча илгор тизим бўлган алмашлаб экиш тизими билан алмаштирилади. Алмашлаб экиш тизимида донли экинлар 1-2 йидан ортиқ экилмасдан, балки чопик талаб ёки ем-хашак экинлар, маккажўхори, картошка, йўнгичка, беда ва бошқалар билан алмаштирилади. Дехқончиликнинг бу тизимида шудгорланадиган майдоннинг бир қисмига йўнгичка ёки беда, қолган қисмига хашаки экинлар экиласди.

Ўт-далали алмашлаб экиш тизимининг туб маъноси, серунум тупроқ таркибини яратишидир. Тупроқнинг унумли таркиби эса қўп йиллик дуккакли ва галласимон ўт аралашмаси экиш билан хосил қилинади. Бу тизим хақидаги таълимотни академик В.Г.Вильямс яратган.

Ўт-далали алмашлаб экиш, дехқончилик юритиш тизимининг бир тури бўлиб, аниқ бир шароитда тўла ижобий ахамият касб этади. Намгарчилик етарли бўлган ва айникса, сугорилиб дехқончилик қилинадиган худуд ва туманлар учун бу тизим ўта қолок-экстенсив тизимдир. Жамиятда қишлоқ хўжалигидан бошқа соҳаларни хам гуркираб ривожланиши натижасида ахоли жон бошига тўгри келадиган хайдаладиган ерларнинг камайиши, қишлоқ хўжалик махсулотларига бўлган талабнинг тез суръатлар билан ўсиши, минерал ўгит ва кимёвий воситаларнинг кўплаб саноат асосида ишлаб чиқариш, қолоқ экстенсив ўт-далали алмашлаб экиш тизимида, чопик қилинадиган экинларни экиб дехқончилик қилиш тизимига ўтишни тақозо киласди. Чопик қилинадиган экинларни экиб, дехқончилик қилиш ўсимликчиликнинг жадал тизими бўлиб, маълум ер бирлигидан кўпроқ махсулот олишни таъминлайди. Бу тизим минерал ва махаллий органик ўгитлар ва кимёвий воситалардан, хамда техника воситаларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив холатини яхшилашга асосланади.

Академик Д.Н.Прянишников ва унинг издошлари ерга минерал ва органик ўгит солиши тупроқ унумдорлигини оширишни, шудгорланадиган ва ўт майдонининг бир қисмига чопик қилинадиган, серхосил экинлар экиш, хар гектар хайдаладиган ердан кўплаб дехқончилик, чорвачилик махсулотлари олиш имконини беришини, натижада меҳнат унумдорлигининг ошиши ва махсулот таннархининг пасайишини асослаб берган

эдилар. Шундай қилиб жадал дехқончилик қишлоқ хўжалик тараққиётининг бош йўналиши ва объектив зарурияти бўлиб колди.

Дехқончилик тизимини самарали олиб боришга қўйидаги талаблар қўйилади:

- ❖ шартнома кўрсаткичлари ва давлат бюортмаларини бажариш;
- ❖ ишлаб чиқаришни самарали ихтисослаштириш, концентрациялаш, тармоқларни мутаносиб олиб бориш;
- ❖ саноат ишлаб чиқаришини кенг жорий этиш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, сотишни ташкил этиш ва эспортни кучайтириш;
- ❖ ишлаб чиқаришни олиб бориш механизмларининг барқарорлигини таъминлаш;
- ❖ ишлаб чиқариш бўлимлари ва тармоқлар ўртасида мақсадга мувофиқ bogliqlik va nisbatni taъminlaш;
- ❖ барча ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланиш;
- ❖ меҳнатни ташкил этишда мавсумийликни бартараф этиш;
- ❖ меҳнат ресурсларини йил давомида бир текис ва тўла иш билан таъминлаш;
- ❖ кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун керак бўладиган жамгармани ташкил этиш;
- ❖ ишлаб чиқаришга қўйилган маблагларнинг айланиш тезлигини ошириш;
- ❖ йил давомида бир текис пул тушумини таъминлаш.

Дехқончилик тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бири билан ўзаро bogliq ташкилий, иқтисодий, технологик (агротехник) ва техник тадбирлар тизимидан иборатdir. Дехқончилик тизимига кирган тадбирий чоралар шу тизимининг унсурлари деб хам юритилади. Дехқончилик тизими қўйидаги чизмада тасвиранганд:

1.1.1-жадвал

ДЕХҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ

Ташкилий иқтисодий тадбирлар тизими	Технологик тизим	Техникавий тизим
<p>Ихтисослаштириш ва ер худудини ташкил қилиш</p> <p>Иш жараёнларини ташкил қилиш</p> <p>Режалаштириш тизими</p> <p>Меҳнатни ташкил қилиш, меъёrlаш ва хақ тўлаш</p> <p>Бошқариш тизими</p> <p>Шартномалар тузиш</p>	<p>Экин майдонлари тар-киби ва алмашлаб экиш</p> <p>Тупроқка ишлов бериш</p> <p>Ургучилик</p> <p>Ўгитлаш</p> <p>Зааркунандалар, касал-ликлар ва бегона ўтларга қарши қурашиш</p> <p>Тупроқ унумдорлиги, сув тежамини тартибга солиш бўйича мелиорация ва сугориш тадбирлари</p> <p>Маҳсулотни ўриб-йигиб олиш ва сақлаш</p>	<p>Машиналар ва асбоб ускуналар</p> <p>Бино-иншоот ва бошқа воситалар тизими</p> <p>Ишлаб чиқаришни механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш, компьютер тизими</p>

Дехқончилик тизимининг методик тузилиши, қўйидагича талқин қилинади:

- ❖ ишлаб чиқаришни тахлили ва корхонанинг истиқболдаги тараққиётини илмий жихатдан асосланган дастурини яратиш;

- ❖ корхоналарни ишлаб чиқариш йўналишини белгилаш, ички хўжалик ихтисослигини аниқлаш ва тармоқларни мақсадга мувофиқ равишда қўшиб олиб боришни таъминлаш;
- ❖ дехқончилик, ем-хашак ишлаб чиқариш ва чорвачилик тизимларини аниқлаш;
- ❖ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш, электрилаштириш ва автоматлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш;
- ❖ қишлоқ хўжалик махсулотларини саноат асосида қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва хизмат қилиш хамда ёрдамчи саноат корхоналари ишлаб чиқаришни уюштириш;
- ❖ меҳнат баланси, меҳнатни ташкил этиш, хақ тўлаш ва уни химояси;
- ❖ корхонани бошқаришнинг ташкилий ва ишлаб чиқариш таркиби;
- ❖ социал ривожланиш;
- ❖ ахолининг шахсий томорқа хўжалиги;
- ❖ атроф мухитни химояси;
- ❖ капитал қўйилмаларга бўлган талаб;
- ❖ дехқончиликда хўжалик юритиш тизимининг иқтисодий самарадорлиги.

Пахтачилик республикамиз дехқончилик саноати мажмуининг асосий тармоги бўлиб, мамлакат халқ хўжалигининг ижтимоий-иктисодий самарадорлигини оширишда ва тармоқлар ўртасидаги муносабатларни мустахкамлашда алохида ўринни эгаллайди. Пахта хом-ашёси хамда ундан олинадиган бирламчи ва тайёр махсулотлар нафақат мамлакатимиз ички бозорини тўлдиришда, балки уларни экспорт қилиш асосида республика бюджетини чет эл валюталари билан тўлдиришда асосий манба бўлиб хисобланади.

Президент И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XX1 аср бўсагасида» номли асарида пахтачиликни Республика иқтисодиётидаги ўрнига баҳо бериб шундай ёзади «Бугунги кунда Ўзбекистон ташки бозорда талаб катта бўлган махсулот – пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир. Республика пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради». Пахтачиликнинг корхоналар иқтисодиётидаги ўрни, унинг чиқиндисиз, кўп турли сердаромад товар махсулотлари етиштиришидадир.

Жумладан, бир тонна пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик ва 580 кг чигит олинади. 340 кг толадан эса ўз навбатида 3500m^2 газмол, бир тонна чигитдан эса 170 кг мой, 400 кг кунжара, 60 кг ўсимлик оксили, 300 кг шелуха олинади. Бундан ташқари ундан маргарин, кир ва атир совунлари, алиф мойи тайёрлашда фойдаланилади.

Умуман олганда пахтадан 1200 хилгача товар махсулоти олинади. Хисобкитобларга кўра, пахта махсулоти (газламалар, ёғ, кунжара ва бошқалар) ни сотишдан хар бир гектар хисобига (хосилдорлик 25 центнер бўлганда) 200-250 минг сўм даромад олиш мумкин.

Пахта толаси ва гўзапоядан тайёрланган махсулотлар Ўзбекистоннинг халқаро савдосида хам катта роль ўйнайди. Ўзбекистон 20дан ортиқ хорижий мамлакатларга пахта экспорт килади.

1.2. Пахтачиликда асосий технологик тадбирларни ташкил этиш ва режалаштириш.

Мамлакатимизда қабул қилинган Дастурда кўрсатиб ўтилганидек қишлоқ хўжалик экинларидан юқори хосил олиш мақсадида тупроқ унумдорлигини тиклаш ва яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ❖ яқин йиллар ичига барча хайдаладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш (бонитетлаш, рўйхатдан ўтказиш);
- ❖ сугориладиган ерларда навбатлаб экишни жорий этиш;

- ❖ пахтачилик мажмуасида пахта-бошоқли дон экинлари-беда алмашлаб экилишини кенг жорий этиш;
 - ❖ истиқболда пахта майдонларини 1,5 млн, гектарга етказиш;
 - ❖ тупроқ - иқлим шароитларини хамда қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг минтақавий ихтисослашувини хисобга олган холда туманлар ва хўжаликлар бўйича экинлар таркибини ўзгартиришга йўл қўйилиб Республика минтақалари бўйича пахта хом - ашёси ишлаб чиқаришни бошқа экинлар билан қуидагича жойлаштириш керак бўлади:
- Қорақалпогистон Республикасида пахта, бошоқли дон, шоли, канд лавлаги, ноанъанавий экинлар, дуккакли ва ёгли экинлар, масхар, нухат, кунгабоқар, супурги, кизилмия экинлари;
 - Хоразм вилоятида толаси IV типдаги пахта, дон, кандлавлаги ва шоли етиштиришни қўшиб олиб бориш;
 - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида пахтанинг II типдаги ўрта ва ингичка толали навлари нисбатини уйгуналаштириш, йилига 2 марта хосил олган холда дон етиштиришни ривожлантириш (кузги бошоқли дон етиштиришни ривожлантириш ва такрорий маккажўхори, оқ жўхори, тарик ва х.к.), эртаги ва кечки сабзавотлар етиштириш хажмини қўпайтириш;
 - Бухоро ва Навоий вилоятларида IV ва V тип толали пахта етиштиришга ўтиш, галлачиликни ривожлантириш;
 - Самарқанд вилоятида V тип толали пахта, уруглик ва товар дон, сабзавот, мева, узум ва тамаки етиштиришни ривожлантириш;
 - Жиззах ва Сирдарё вилоятларида пахтачилик билан биргаликда галлачилик ва полизчиликни ривожлантириш;
 - Тошкент вилоятида пахта, каноп, дон, мева-сабзавот экинлари ва узум етиштириш;
 - Фарғона водийси вилоятларида пахта, товар дон, уруглик дон (Андижон вилояти - 78%) сабзавот, мева ва узум етиштириш амалга оширилади;
 - Дехқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ижарага бериладиган пахта ер майдонларини хажми камида 10 гектарни ташкил этиши шарт.
 - Хар 100 гектар пахта майдонига 9 балл баҳо бериш тавсия этилади.
 - Пахтачиликни жадвал ривожлантириш, мамлакатимиз бўйича хосилдорликни гектарига 30-35 центнерга, ялпи хосилни 4-4,5 млн. тоннага етказиш имконини яратиш;

Пахтачиликни ривожлантиришда навларни тўғри баҳолаш муҳим ахамият касб этади.

Пахта толаси шартли равища 9 типга бўлинган: (Ўз РСТ 615-94) I а, I б, I, II, III типдаги толалар, узун (ингичка) толали пахта навларидан олинади. Уларнинг толалари ўта мустахкам бўлиб, хар хил қимматбаҳо буюмлар, нафис ва мустахкам газламалар юқори навли сатин, харир газлама ва тўқималар тайёрланади. IV-VI ва VII тип толалар ўрта толали гўза навларидан олинади. Улар тезпишар, хосилдорлиги юқори бўлганлиги учун кенг майдонларга экиласди.

IV тип толаларидан тўқимачилик иплари, харакатга келтирувчи қайиш тўқималари, оёқ кийими, тўқима маҳсулотлари ва иплари тайёрланади.

V тип толалардан тўқима, кийим-кечак, чойшаб ва бошқа матолар ишлаб чиқарилади:

VI тип толалардан турли буёқка бўяладиган газламалар олинади, жун билан аралаштирилиб матолар тайёрлашда фойдаланилади.

Республика пахтачилик хўжаликлари учун қуидаги истиқболли навларни экиш тавсия этилади: Бухоро-6, Бухоро-8, Оқдарё-5, Оқдарё-6, Омад, С6524, Ан Баяут-2, С 26-09.

Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида пахтачиликни тараққий эттириш соҳасида кўплаб тадбирий чораларни амалга ошириш мўлжалланади.

Пахта хосилдорлиги ўсишига қараб пахта экиладиган майдонларни камайтириш учун қуидагилар қўзда тутилади:

- ❖ ерларни фосфорли ва калийли ўгитлар солиб, хамда кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаб, икки ярусли плуглар билан ўз вақтида ва сифатли шудгорлаш;
- ❖ бошоқли дон экинлари йигиб-териб олингандан сўнг, ерларни тақрорий экинлар билан банд килмасдан, хар йили гектарига 10 тонна махаллий ўгит солиб, майдонларни текислаш, бу майдонларда чигитни плёнка остига экиш учун кузда тайёрлаб қўйиш;
- ❖ 900 минг гектар майдоннинг шўрини хар йили ювиш;
- ❖ гўзанинг эртапишар навлари (С-4727, Қирғизистон -3, С-9070, Юлдўз, Тошкент -6) экиладиган майдонларни ва толаси ГУ типга мансуб бўлган (С-6524, С-6530) навлар экин майдонларини кўпайтириш, бунинг учун республикада кўпи билан 18 та, шу жумладан 2 та ингичка толали ривожлантирилган нав экиш;
- ❖ 500 минг гектар майдонга чигитни туксизлантириб, саралаб экиш, экиладиган майдонларни кенгайтириш;
- ❖ чигитни плёнка остига экишни 10 апрелгача тугаллаш ва хосилдорликни яқин йиллар ичида гектаридан 32 центнерга кўтаришни таъминловчи агротехника чора-тадбирларини ўтказиш билан бу майдонларни кенгайтириш;
- ❖ гербицидлар, гўзанинг ўсишини муътадиллаштирувчи препаратлар қўлланиладиган майдонларни хамда зараркунандалар ва касалликларга қарши биргаликда кураш қўламини кенгайтириш;
- ❖ барча агротехник ва агрокимё чора-тадбирларини илм-фан тавсияномаларига ва илгор тажрибаларга мувофиқ ўтказиш, хосилни механизация ёрдамида йигиб-териб олишни кенг жорий қилиш ва йигим-терим ишларини октябр охиригача тугаллаш.

Пахтачиликни самарали ташкил этишда, шудгорлаш жараёнини тўғри режалаштириб технологик харита орқали амалга ошириш катта ахамиятга эгадир. Шудгорлаш куз ва баҳор пайтларида ўтказилиб, кузги шудгорлаш баҳоргига нисбатан кўпгина афзалликларга эгадир. Кузги шудгорлаш баҳорда хайдалганга нисбатан, гектарига 3-5 центнер ортиқча хосил беради, хосилнинг 85-90% совуқ тушгунча териб олинади.

Кузги шудгорлашнинг энг қулай муддатини технологик харитада, октябрь ойининг ўрталаридан ноябрь ойининг охирларигача режалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шудгорлаш олдидан ўгитлардан фойдаланиш режалаштирилиши шарт, фосфорли ўгитлар йиллик меърнинг - 60-70%, калийли ўгитларни - 50% режалаштирилиши самаралидир. Органик ўгитлар РТО-4, минерал ўгитлар эса РТТ-4,2 сеялкаларида сепилади.

Агар хўжаликлар чигитни пуштага экиб, ўстирмокчи бўлсалар, сифатли шудгор ўтказилгач, ер текисланиб, 90 ёки 60 см. кенгликда пушталар олинади, 90 см. лик кенгликда олинган пуштанинг баландлиги - 25-30 см., 60 см.лик кенгликда эса - 16-18 см. баландликда пушта олиш режалаштирилади.

Шудгорланган далаларда пайдо бўладиган нотекисликларини бартараф этиш учун П-2,8 А, ППА-3,1 маркали кенг камровли текислагичлар, ГН-4, ГН-2,8 осма грейдерли текислагичлар, БДТ-2,2 ёки БДТ -2,5 маркали оғир дискали тиркама борона ва бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланиш тавсия этилади. Текислашни иккинчи муддатида - баҳордан кўра, қўзда ўтказилгани самарали хисобланади.

Ёгин гарчиллик микдори 200-250 мм гача бўладиган худудлар билан бир қаторда, ёгин гарчиллик меърида бўладиган худудларда, кутилмаганда айрим йиллари кам микдорда намлик тўпланадики, бунда захира суви бериш зарур. Захира суви, феврал, март ойларида, экишга 10-15 кун қолганда ўтказилиши режалаштирилади. Экин олди захира суви беришнинг самараси юқорироқ хисобланади. Сугориш меъри, енгил тупроқларда гектарига $800-1000\text{m}^3$, оғир тупроқларда $1200-1500\text{m}^3$ бўлиши

режалаштирилади. Сугориш давомийлиги 24-36 соатни ташкил этса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тупроқни экишга тайёрлаш пахта хосилдорлигини оширишдаги асосий омиллардан бири бўлганлиги учун бу тадбир баҳордан бошланади. Тупроқни экишга тайёрлаш қўйидагиларни режалаштиришни ўз ичига олади:

- ❖ шўрланмаган, бегона ўтлардан тоза, шудгорнинг яхши хусусиятлари сақланиб қолган майдонларда борона ва мола биргаликда ишлатилиб, чигит экилади;
- ❖ дала бегона ўтлар билан ифлосланган бўлса, 6-8 см чуқурликда культивация ёки 10-12 см чуқурликда чизел юритилиб, кейин борона-мола қилиб экилади;
- ❖ захира суви берилган ёки сифатсиз шудгорланган майдонларда 16-18 см. чуқурликда борона-мола юритилиб экилади;
- ❖ шўри ювилган майдонларда, тупроқнинг етилиш чуқурлигигача чизел қилиниб, кейин борона-мола қилиб экилади. Механиқ таркиби оғир бўлган тупроқларда чизеллашни 1-2 марта такрорлаш мумкин;
- ❖ агар дала бегона ўтлар билан кучли ифлосланган бўлса, агдаргичи олиб ташланган плуг билан 16-18 см чуқурликда хайдалиб, кейин борона-мола юритилиб экилади.

Чигитни экишга тайёрлаш тадбири пахтачилик тизимида алоҳида ахамиятга эга.

Чунки соглом, бир текис кўчат олиш, чигитни экишга тайёрлаш жараёни билан бөглиқдир. Аввало юқорида қайд этилганидек экиладиган чигитлар I-II-III класс талабларига жавоб бериши шарт. Уруглик чигитлар даставвал касалликларга карши пахта заводларида марказлаштирилган холда кимёвий моддалар бронотак (1 т чигитга, 6 кг) ПАВ- 61, ПОНАКТИН (1 т чигитга, 4 кг) билан дориланса, хўжаликларда 40% ли формалин билан хам (90 литр сувга, 1 кг формалин) дорилаб экиш режалаштирилади. Хўжаликларда тукли ва туксиз чигитлар экилади. Тажрибада тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртacha суткалик харорати 13-15°C бўлганда экиш бошланади.

Хар гектар майдонга сарфланадиган чигит туксизлантирилганида 25-30 кг, тукли чигитда - 60 кг. дан режалаштирилади.

Экиш СТХ-4, СХУ-4, сеялкаларида ўтказилади. Чигитни экишдан олдин далага бир йиллик бегона ўтларга карши гектарига 4-6 л нитрон (трефлан), экиш билан бирга 1,0-1,2 кг котран, 2,0-2,5 кг прометрин, 1,0-1,3 кг, котофар препаратларини ПГС-2,4: ПХГ-4 мосламалари ёрдамида қайта ишлаш режалаштирилади.

Чигити тўлиқ ундириб олинган майдонларда тезлик билан ягоналаш ташкил этилади. Ягоналашдан мақсад бўлгуси хосилга (ортиқча нихолларни йўқотиш натижасида) хосил қўшишдир. Тажрибалар шуни қўрсатадики, 100 минг туп хисобига ортиқча колдирилган нихоллар ердан 6-10 кг азот, 1-2 кг фосфор ва 4-6 кг калий моддасини ортиқча олиб кетар экан.

Ягоналашда хар бир гектар майдонда, унинг хусусиятлари эътиборга олинган холда қўйидагича миқдорда туп - нихол қолдирилиши мақсадга мувофиқдир:

- ❖ бўз тупроқли минтакаларнинг ўтлоқ тупроқларида гектарига - 110-120 минг тупгача нихол;
- ❖ сизот сувлари чуқур жойлашган серунум бўз тупроқли, шунингдек шўрланган ерларда - 120-130 минг тупгача;
- ❖ ўрта унумдорликдаги тупроқларда - 130-140 минг тупгача;
- ❖ хосилдорлиги паст, шагал, қайроқли қатлами юза жойлашган, қумоқ тупроқли ерларда - 140-150 минг тупгача.

Технологик харитада, 1 метрга 6-8 туп нихол қолдириш, ягоналаш қўлда ва 5-15 май ойларида ўтказилиши режалаштирилади.

Пахтачиликда юқори ва сифатли хосил олиш учун сугориш тадбирларини ўз вактида, меъерида ўтказиш катта ахамиятга эгадир.

Гўзани сугориш гуллашгача, гуллаш ва пишиш фазаларида олиб борилади ва 2 мартадан 12 марта гача режалаштирилади.

Умумий мавсумий сугориш меъёри гектарига 2000-8000 куб. метр бўлиши мумкин.

Сугориш мөшөри: енгил (кумли ва қумоқ) тупроқларда гўза гуллагунча гектарига- 500-600 куб. метр, гуллаш даврида -700-800 куб. метр.

Ўрта қумоқ тупроқларда гуллашгача- 600-700 куб. метр, гуллаш даврида- 800-900 куб. метр.

Оғир таркибли тупроқларда гуллашгача - 700 куб. метр гача, гуллаш даврида 1000-1100 куб. метр бўлиши шарт. Гўзанинг пишиш фазасида сугориш мөшөри хам гектарига 500-600 куб. метр дан 600-700 куб. метр гача режалаштирилади.

Кумли шагал қатламли тупроқларда гўза - 9-12 мартагача; ўрта қумоқ, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда - 7-9 мартагача; ер ости сувлари юза жойлашган ерларда - 2-4 мартагача сугориш режалаштирилади.

Технологик хариталар тузганда сугориш учун эгат олиш 15-18 см чуқурликда, 1,4 ТК, Т-28Х, МТЗ-80, МТЗ-50 тракторларида ва КХУ-4 мосламаси ёрдамида 10 VI - 20 VI да ўтказиш режалаштирилади.

Дастлабки сугориш, эгатлаб кўлда 13.V – 25.V ларда ўтказилиши режалаштирилади.

Иккинчи сугориш - 1000 куб. метр/ га, эгатлаб, кўлда 8.VI - 25.VI. ларда ўтказилади.

Учинчи марта сугориш -800-1000 куб. метр /га эгатлаб, кўлда 8.VII 22.VII ларда ўтказилади ва хоказо. Сугориша ёмгирилатиб сугориш усулидан, яъни ДДА-100 м, ДШК-64, ДОС каби машиналардан фойдаланилса, сугориш мөшөри 2-3 мартагача камаяди.

Кейинги пайтларда томчилатиб сугориш ва ер остидан сугориш усуллари хам жорий этилмоқда.

Гўза қатор ораларига ишлов беришдан мақсад, бегона ўтларни йўқотиш ва тупроқ юзасини юмшатишидир. Культивация ўтказиш қатор ораларига ишлов беришнинг энг асосий тадбирларидан хисобланади. Бу тадбир гўза нихоллари пайдо бўлиши билан амалга оширилади.

Биринчи культувация нихоллар текис униб чиқкан пайтида ташкил этилиб, бегона ўтларга карши кураш, нихоллар қаторидан 7-10 см масофада ва 6-8 см чуқурликда ўтказилади. Технологик харита тузганда трактор синфлари 1,4 Т.К. ва КХУ-4 мосламалари ёрдамида юқорида қайд этилган мөшөрий чуқурлик ва кенгликда тахминан 25.IV-30.IV ларда ўтказилиши режалаштирилади. Жами 4-5, баъзан 6-7 марта культувация ўтказиш режалаштирилади.

Гўзани чилпишнинг ахамияти шундаки, у озиқлантиришда ассимиляция маҳсулотлари ўсимликка бир хил тақсимланишини таъминланиб, хосил тугунчаларининг тўқилишини камайтиради, кўсак сони 1-2 тагача, кўсакдаги пахта вазни 0,2-0,5. г га ортади, тола сифати яхшиланади, ўсув даври 5-10 кунга қисқариб, хосилдорлик гектарига 1,5-2,5 ц. га ошади.

Чилпиш муддатлари: гўзанинг туп сони 110-120 минг дона бўлган майдонларда хосил шохи 15-16, 130-140 дона минг бўлганда хосил шохи 13-14 та гача етганда ва технологик хариталар тўзганда -1,4 ТК трактори, ЧВХ-4 агрегати ёрдамида 25.VII-5.VIII ларда ўтказилиши режалаштирилади. Ингичка толали гўзаларда кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг, хосил шохлар сони 20-22 тага, 140-150 минг тупли гўзаларда - 18-20 тага етганда чилпиш ўтказилиши режалаштирилади.

Гўза дефолиациясини ўтказишдан мақсад хосилни етилишини тезлаштириш ва уни қисқа муддатларда машинада териб олишни ташкил этишдир.

Дефолиациянинг самарали бўлиш омилларидан энг муҳими, уни ўтказишнинг энг мақбул муддатини белгилашдир. Кўп йиллик маълумотларга караганда узун толали гўза навларининг тупларида мавжуд кўсақларнинг 35-40%, ўрта толали навларда эса камида 50% очилганида дефолиация қилиш режалаштирилади.

Технологик харита тузганда дефолиацияни 1,4-Т.К трактори ва ОВХ-28 мосламаси ёрдамида 5.IX-25.IX гача ўтказиш режалаштирилади. Ўрта толали гўзалардан пахта машиналар билан 2 марта: дастлаб, гўза тупларидаги хосилнинг 50-60 % очилганида, иккинчи марта эса 20-30%, очилганда териб олинади. Ингичка толали гўзаларда кусақларнинг камида 50-60% очилганда териш бошланиб, 10-12 кун ўтгандан кейин яна

бир марта териб олинади.

Технологик харита тузганда биринчи пахта терими машинада, хосилнинг 55-60 %- и очилганида 1,4- Т.К. трактори ва 14XB-2,4 мослама ёрдамида 15.IX-29.IX гача режалаштирилади.

Иккинчи машина терими, қолган кўсакнинг 30-35% очилганида, юқорида қайд этилган машина ва механизмлар ёрдамида 1.X-2-.X гача ўтказиш режалаштирилади ва х.к.

Биринчи қўл терими, 25-30% кўсак очилганида, қўлда 5.IX-20.IX гача ўтказиш режалаштирилади. Иккинчи қўлда терим, 30-35% кўсак очилганда, 20.IX-5.X да ўтказиш режалаштирилади ва х.к.

Пахтанинг биринчи теримидан кейин далаларда маълум даражада тўкилган пахталарни териш учун ПХН-1,2 ва ПХС-3,6 маркали пахта йигиштиргичларидан фойдаланилади. Терилган кўсакни чувиш учун УПХ-1,5 машинаси кенг қўлланилади.

Гўза хосили тўлиқ йигиштириб олингач, гўзапоянинг КВ-4 А ва КВ-3,6 А, КН-1,2, КН-1,8 мосламалар ёрдамида йигиштириб олинади.

Пахта ишлаб чиқариш самародорлигини кўтаришда дехқончилик маданиятининг асоси бўлган алмашлаб экиш энг асосий омиллардан биридир.

Маълумки, жумхуриятимизда дехқончилик тизимининг асосини тупроқ унумдорлиги ва экинлар хосилдорлигини кўтаришда энг катта эътибор илмий жихатдан асосланган алмашлаб экишни таъминлашга каратилади. Алмашлаб экишни жорий этмасдан туриб, ўйтлаш, сугориш, бегона ўтларга, хашорат ва касалликларга карши қурашнинг тўгри, илмий жихатдан асосланган тизимини қўллаб бўлмайди. Фақат экинлар навбатлашуви илмий асосда ташкил этилгандағина тупроқ унумдорлигини сақлаш ва барқарорликни ошириш мумкин.

Республикамиз пахтачилигида алмашлаб экиш узоқ йиллар давомида беда - гўза асосида олиб борилган, 10,9,8 далали алмашлаб экиш тизимларида бедадан кейин 6-7 йилгача фақат гўза экиш кўзда тутилади. Бундай алмашлаб экиш тизими пахта якка хокимлигини таъминлаб, дон ва бошқа экинлар етиштириш имкониятларини бир кадар чеклаб қўйишга олиб келди.

Тупроги шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда, айникса вильт билан заарранган ерларда гўза-беда навбатлаб экишнинг майдалангандан, бўлакланган схемаларига ўтиш тавсия этилади, бунда хам бир майдон галла билан банд бўлиши лозим. (Масалан, 2:4:1:3; 2:4:1:2; 2:3:1:3, яъни биринчи ракам беда майдонини, 2 чи ва 4 чи ракам гўза майдонини, 3 чи ракам эса дон экинлари майдонини англатади).

Бозор ишлаб чиқариш муносабатлари шароитида дон мустақиллигига эришиш мақсадида аксарият майдонларда гўза-дон, гўза-ем-ҳашак экинлари, гўза-озик-овкат экинлари тизимиға ўтиш мақсадга мувофиқ деб хисобланади.

Хозирги вактда алмашлаб экишнинг бедасиз 1:2; 1:3; 1:4; 1:4:1:4 схемаси яъни дон ва гўза навбатлашуви кенг қўлланилмоқда. Бу схемада биринчи ўринни бошокли дон экинлари ёки маккажӯхори эгаллайди. Улар йигиштириб олингач, такрорий экинлар: тарик, чўмиза, мош, соя, картошка, полиз ва сабзавот экинлари, улардан кейин кузги-қишики оралик экинлардан - рапс, перко, вика, нўхат, жавдар, хантал, тритикалье кабилар экилиши мумкин ва уларнинг кўк массаси ем-ҳашак сифатида ёки сидерат (яшил ўгит) қилиб фойдаланилганда яхши самара беради.

Дехқончилик уругчиликдан бошланади деган халқ нақли бежиз айтилмаган. Чунки сара-ланган кондицияга етказилган уругдангина соглом, бақувват пахта нихоллари ўсиб чикади.

Маълумки тупроқ - иқлим шароитига мос келадиган туманлаштирилган пахта навларининг ижобий хусусиятларини сақлаб колиши мақсадида мамлакатимизда 5 йиллик схема (Ўз РСТ 663-96) асосида уругчилик ташкил этилган бўлиб, элита ва биринчи репродукцияли чигитни элита хўжаликлари етиштирса, иккинчи, учинчи ва туртинчи

реподукцияли уруглик чигитларни юқори хосилдорликка эга бўлган, махсус уругчилик хўжаликларида етиштирилади.

Экиладиган пахта чигитлари ЎР стандарти бўйича қуидаги талабларга жавоб бергандагина экишга рухсат этилиши керак:

- униб чиқиш даражасига қараб: I-классли уруглик чигитнинг униб чикиши 95-100%, II- классли чигитники -90-94%, III-классли чигитнинг унувчанлиги 85-89% га тенг бўлиши керак;
- нав тозалиги элитада -100%, I-репродукцияда -99%, II-репродукцияда 98%, III-репродукцияда -96% қилиб белгиланган;
- чигитнинг шикастланиши - қўл терими чигитида - 5% дан, машина терим чигитида -7% дан кўп бўлмаслиги,
- чигит туки қолдиги-тукли чигитларда - 0,8% дан, табиий туксиз чигитларда- 0,4% дан ошмаслиги керак.
- чигит намлиги: қўл теримида -9%, машина теримида - 10% дан зиёд бўлмаслиги муҳимdir.

Тупроқ унумдорлигини кўта-риш ва гўза хосилдорлигини оширишда ўгитлардан илмий асосланган меъёр ва муддатларда фойдаланишини режалаштириш ва амалга ошириш гўза ўсиши-ни хамда ривожланишини жадаллаштирувчи асосий омиллардан бири хисоб-ланади. Ўгитлаш тизими органик ва минерал ўгитлардан фойдаланишини ўз ичига олади.

Ўгитларни қўллаш меъёри: тупроқнинг типига, ўгитнинг шаклига, навбатлаб экиш майдонига қараб режалаштирилади.

Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра, бир тонна пахта хосилини етиштириш учун ўрта хисобда 50-60 кг азот, 75-90 кг фосфор ва 25-30 кг калий ўгитлари сарфланади. Минерал ўгитларнинг самарарадорлиги органик ўгитлар билан қўшиб қўлланилганда анча ўсади.

Гўзанинг озиқланишини мўътадил шароитини таъминлаш, унинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштириш учун бўз тупроқ шароитида белгиланган хосилни эътиборга олган холда азотнинг қуидаги меъёрлари (гектарига кг хисобида) тавсия этилади:

Хосилдорлик гектарига 15-20 ц бўлганида - 100 кг, 20-25 ц да 150 кг, 25-30 ц .да- 200 кг, 30-35 ц да - 250 кг, 35-40 ц да - 300 кг, 40-45 ц да - 350 кг режалаштирилади.

Азотли ўгитлар тупроқка бўлиб-бўлиб солинади. Бунда 25-30 % ўгит тупроқни экишга тайёрлаш пайтида чизел-культиватор (ЧКУ-4) ёрдамида ерга солинади. Азотли ўгитларнинг қолган меъёрлари гўзанинг ўшиш даврида 2-3 марта озиқлантиришга тақсимланади, (150 кг бўлса - 2 марта, 250 кг гача бўлса 3 марта). Охирги марта озиқлантиришни хамма вилоятларда 10 июлдан кечиктирмасдан тамомлаш зарур.

Худди шунингдек, пахтачилик хўжаликларида тупроқ таркибида фосфор ва калий ўгитларининг меъёрий мутаносиблигини сақлаш, тупроқ унумдорлиги ва пахта хосилдорлигини оширилишига хизмат килади. Фосфорли ўгитлар 3 муддатда: йиллик меъёрнинг 60-70%-и шудгорлашдан олдин, қолгани чигитни экиш билан бир вақтда ва гуллаш фазасининг бошланишида ерга солинади.

Меъёр бўйича фосфорли ўгитни қўллаш, азотли ўгитга нисбатан кўпроқ бўлади. Улар ўртасидаги ўзаро нисбат ($N:P$) 1:1,5 бўлиши фойдалидир.

Азот билан калийнинг нисбати 1:0,5 бўлганилиги максадга мувофиқдир. Калий ўгити меъёрининг 50% шудгорлаш олдидан берилса, қолган қисмини шоналаш фазасида бериш тавсия этилади. Фосфор ва калий ўгитларининг меъёрини белгилашда агрохимия картограммасининг маълумотларидан фойдаланиш шарт. Ўгитлар КРХ-4, КРХ-3,6, КХУ-4 маркали культиваторлар ёрдамида берилади.

Мамлакатимизда хозиргacha қўллаб келинаётган технология бўйича чигит апрель ойида экилади. Бунга сабаб тупроқдаги хароратнинг етарли (11-12даражада) бўлишини кутишдир. Янги усулнинг қулай томони шундаки, апрел хароратини пойлаб ўтирай,

15-16 марта, яъни тупроқнинг 10 сантиметр чуқурликдаги қатламида харорат 8-10 даражада бўлганда хам экавериш мумкин. Бунда плёнка қуёшнинг таъсирида тупроқ хароратини 3-4 даражада оширади, чигит дархол амал қилиб, тўла ва тукис униб чикади ва тез илдиз ота бошлайди.

Плёнка остига экилган майдонларда хар қандай об-хаво шароитида хам қатқалоқ бўлмайди. Тупроқ доим майнин ва юмшок холатда бўлади. Плёнка туфайли олинаётган қўшимча харорат тупроқнинг пастки қисмидаги намини буглатиб, тепа қисмига кўтариади, буг плёнкага тиркалгач, яна қуйига тушади, тупроқдаги фойдали микроорганизмларнинг хаёт фаолияти кучаяди. Натижада чигитни униб чикиши учун доимо нам етарли бўлади. Тупроқ қатламидаги мавжуд органик ва минерал ўгитлар ёш нихолларда пайдо бўлаётган илдизчалар орқали, тўла экинга сингади ва гўза дуркун, соглом ўсиб, тез ривожланади.

Чигит 90 сантиметр кенглигда, 90 x 30 схемада қўшқатор қилиб экилади. Эгатнинг кенглиги 60 сантиметр, қўшқаторнинг оралиги 30 сантиметр ва кўчатлар оралиги 12 сантиметр бўлади. Шунда, хар гектар ерда 180 минг туп кўчат жойлаштиришга эришилади. Аввалги усулда эса кўчатлар сони 70-90 минг тупдан ошмас эди.

Плёнка остида хароратни кўпроқ олган гўза ривожи тезлашади ва хосилга кириши хам шунга яраша барвакт бўлади. Хуллас, хар бир тадбир ўз вақтида, оби-тобида ўтказилса, хосилнинг пишиб етилиши оддий усулга нисбатан, хатто бир ойга тезлашиши мумкинлиги амалда исботланди. Чунончи, Андижон вилоят бўйича плёнка остига экилган майдонлардан ўртача 42,6 центнердан хосил олинди. Бу вилоятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 11,8 центнер кўпдир.

Кўргонтепа туманидаги "Савай" ширкат хўжалигига эса 50 гектар майдонда, хитойликлар кузатувида плёнка остида парвариш қилинган гўза 46,2 центнердан хосил берди. Оддий усулда парвариш қилинган ердан эса 29,2 центнердан пахта йигиштириб олинди. Катта майдондаги бу тажриба янги технологиянинг афзалликларини яққол кўрсатиб турибди. Демак, янги усул рисоладагидек кўлланилганда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек республика бўйича хосилдорликни 14-15 центнерга ошириш имкони бор.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, янги технологияни жорий этишга пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Аввало, ер сифатли шудгорланиши, тупроқ майнин ва бир текис бўлиши лозим. Агар 2 сантиметр ёки ёнгокдан каттарок кесак бўлишига йўл кўйилса, плёнка йиртилиб кетади. Плёнка гоят юпқа ва жуда тиник бўлганлиги сабабли ўсимликка зарур бўлган иссиклик хамда ёргулкни яхши ўтказади. Далада гўзапоя, ажириқ, хамда гўмай илдизлари қолдиги бўлса хам плёнкага халақит беради.

Бундан кўриниб турибдики, плёнка остида чигит экишга мўлжалланган майдон, хар томонлама сифатли ва тоза бўлиши шарт.

Янги технологияга ўтишнинг ижтимоий ва иқтисодий жихатлари хам бўлиб, ундан сезиларли даражада наф келади. Оддий усулда ривожланган гўзалар 5-6 марта сугорилади. Хар бир сугоришга гектар хисобига 800-1000 куб метр сув сарфланади. Плёнка остида эса гўзалар 3 марта гача енгил сугорилади (600-800 куб метр).

Оддий усулда парвариш қилинганда ишчи кучи сарфининг асосий қисми ягонага, ўтоқ ва кетмон чопигига тўгри келади.

Янги усулда ягона ва кетмон чопигига хожат бўлмайди. Ахволга қараб икки марта енгил ўтоқ ўтказилиши мумкин.

Далага кириб чикаётган техниканинг тупроқ унумдорлиги пасайишига таъсири нихоятда катта. Эски технология бўйича гўза қатор оралари 6-7 марта культивация қилинади. Янги технологияда эса кўп культивацияга хожат колмайди. Хар сувдан кейин саёз культивация ўтказилса кифоя. Чигитнинг меъёрий сарфи янги усулда янада кўзга ташланади. Оддий усулда кўп мушоҳадаларга бориб, чигит сарфига эътибор килмаймиз. Плёнка остига чигит экиш сеялкасида туксизлантирилган чигит бир тешикка аниқ ташланиш туфайли унинг харажати кескин камаяди.

Ўсиш даврида берилиши лозим бўлган минерал ўгитнинг teng ярми, экиш билан бир вактда солинади. Натижада ёш нихолларда пайдо бўлган илдизлар қисқа муддатдаёк озуқани "хазм" қилишга киришади. Қолган ўгит май ойининг охирида 60 сантиметрли эгатнинг ўртасидаги аrikcha орқали берилади. Янги усулда парвариш қилинган гўза қатор оралари доимо юмшок холатда бўлади ўгитларни яхши "хазм" килади. Агар плёнка остига чигит экилган майдоннинг узунлиги 200-500 метрдан кўпроқ бўлса, ўқ ариклар олинади. Пахта майдонининг узун-қисқалигига қараб 100-120 метр масофага биттадан кўндаланг ўқ ариқ олиниши керак. Чигит экиб бўлингандан кейин шошилмасдан (май ойида) плёнка кесилиб ўқ ариқ олинади.

Чигитни плёнка остига экиб, эрта ва мўл хосил етишириш усулини қўллашда шошма-шошарлик, пала-партишлик билан иш тутиш ярамайди. Аввал бу янги технологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва нозик жихатларини обдон ўрганиб олиш лозим. Бунинг учун, илгор технологияни ўз далаларида синовдан ўтказиб, ижобий натижаларга эришаетган андижонлик уста паҳтакорлар хузурига бориб, янгилик билан батафсил ва чуқур танишиш лозим.

П. БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

2.1. Хўжаликнинг умумий таснифи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси

Республикамиз аграр иқтисодиёти ривожланиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти учун пахта етишириш ва пахтачилик маҳсулотларини экспорт қилиш муҳим молиявий манба ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам пахтачилик соҳаси мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга соҳа бўлиб, пахтачилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

Пахтачилик соҳасидаги фан ривожи, тармоқда замонавий техника ва технологиялар кўлланилиши, пахтачилик учун техника воситалари ишлаб чиқариш саноати ривожи даражаси, янги агротехник услублар яратилиши, ғўза селекцияси ва уруғчилиги борасида тўпланган катта илмий салоҳият, тармоқда тўпланган тажрибалар ва тайёрланган малакали мутахассислар фонди, бугунги кунда республикамизни жаҳоннинг етакчи пахта етиширувчи мамлакатларидан бирига айланишига асос яратди.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам аграр тармоқ иқтисодиёти тарақкиётида қишлоқ хўжалигининг салмоқли ўрин эгаллашида биринчи навбатда пахтачилик соҳасининг аҳамияти юқори. Пахтакор дехқон бугунги кунда ўз меҳнати натижасида юқори даромад олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан шуғулланар экан, тадбиркорлик кўнималарини эгалламоқда.

Аммо, шу билан биргаликда, пахтачилик соҳасини жадал ва барқарор ривожлантириш йўналишидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳозирда қатор салбий омиллар таъсири тўсиқ бўлмоқда. Ушбу салбий омиллардан энг асосийлари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- пахта хом ашёси ишлаб чиқариш борасида давлат буюртмаси сакланиб қолаётганлиги, бу соҳада давлат идораларининг маъмурий аралашувини камайтиришга катта тўсиқ бўлмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш режасининг 30 фоизига давлат буюртмаси жорий этилган бўлиб, 70 фоиз маҳсулот пата етиширувчи дехқон ихтиёрида қолган бўлсада, пахта хом ашёсини сотиш тизимини танлаш имконияти дехқонда мавжуд эмас;

- етиширилган пахта хом ашёси учун белгиланаётган баҳолар биринчи навбатда дунё пахта бозоридаги баҳо ўзгаришини ҳисобга олаётган бўлсада, ҳамон ҳаражатларга асосланган услугуб бўйича белигиланиб бормоқда. Шунингдек, баҳо тизимида меъерий ҳаражатлар асос сифатида қабул қилинаётгани ҳолда, мавжуд меъёрлар амлиётдан анча йироқлашиб қолган. Чунки бугунги пахта етиширувчи фермер меъёрлар даражасидаги моддий-техник ресурслар, сугориш сувлари, сифатли уруғлик ёки техника таъминотига эга эмас. Натижада, пахта етиширувчи фермер ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришдан кўра уни оширишдан манфаатдор бўлмоқда;

- пахта хом ашёси ва пахтачилик учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулотга баҳо шаклланиши жараёни турлича услублар билан амалга оширилмоқда. Яъни, пахтакор дехқон маҳсулоти учун давлат томонидан баҳо белгилангани ҳолда, саноат корхоналари маҳсулоти баҳолари, ишлаб чиқариш ҳаражатлари устига корхонанинг маълум микдордаги фойда меъерини қўшиши орқали белгиланмоқда. Бунда фермер маҳсулот сотгандан сўнг фойда олиши мумкин, агарда юқори ҳосилдорликка эришган ҳолда маҳсулотни юқорироқ сортларга сотиш имконини топа олса, акс ҳолда заарига ишлайди. Саноат корхонаси учун эса ҳар қандай шароитда ҳам фойда кафолатланган. Бу эса ўз навбатида тармоклар ўртасидаги баҳо ўсиши нисбатининг бузилишига асос яратмоқда;

- қишлоқ хўжалигига, хусусан, пахтачилик хўжаликларида пахта ишлаб чиқариш режасини бажариш ортидан қувиш давом этаётганлиги, алмашлаб экиш тизимининг издан

чиқишига олиб келмоқда. Бу эса тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолати ёмонлашуви орқали, қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мазкур ҳудудда экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, пахта экин майдонлари микдорини қисқартириш йўналишидаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоят Қарши туманидаги “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалиги 2006 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Қарши тумани Талликўрғон қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида дехқончиликка ихтисослашган ва фаолият кўрсатиб келаётган “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигига туман ҳокимлигига заҳира ер ҳисобидан қўшимча ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризаси ҳамда туман ҳокимлиги хузуридаги Ер участкалари бериш комиссиясининг 2008 йил 8 ноябрдаги холосасига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Конуннинг 31-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 104-моддасига, Ўзбекистон Республикаси “маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуннинг 6-моддасига ва Қарши туман ҳокимининг 2008 йил 15-ноябрдаги X-3133/11 сонли қарорига асосан Талликўрғон қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида дехқончиликка ихтисослашган «Аброр қизи Гулиза» фермер хўжалигига туман заҳира ер фондидан жами 29,7 гектар, шундан 24,0 гектар суғориладиган ер майдони ажратилди.

Фермер хўжалиги ўзининг думалоқ ва турт бурчакли муҳри, туман солиқ инспекциясига Инн раками ва банк реквизитларига эга. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги булими фермер хўжалигининг юқори ташкилоти ҳисобланади.

2009 йилда фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш тўғрисидаги Президент қарорига асосан жойларда фермер хўжаликлари ер майдонларини қайта кўриб чиқиши, мақбуллаштириш ишлари олиб борилди ва шунга асосан, Қарши туман ҳокимининг 2009 йил 12-ноябрь кунидаги X-3012/11 сонли қарорига асосан «Аброр қизи Гулиза» фермер хўжалигига кушимча ер майдонлари ажратиб берилган ва умумий ер майдони 63,9 гектарни ташкил этмоқда.

2.1.1 – жадвал

Қарши тумани “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигининг умумий ер майдонининг тақсимланиши

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						2012 йилда 2010 йилга нисб. ўзг. (+;-)	
		2010		2011		2012			
		га	%	га	%	га	%		
1	Умумий ер майдони	63,9	100	62,5	100	60,3	100	-3,6	
2	Суғориладиган ерлар	60,3	94,4	58,0	92,8	56,0	92,9	-4,3	
3	Тутзорлар эгаллаган ерлар	1,6	2,5	2,6	4,2	2,6	4,3	-1,0	
4	Ариқлар эгаллаган ерлари	0,4	0,6	0,4	0,6	0,4	0,7	-	
5	Йўллар эгаллаган ерлар	0,5	0,8	0,5	0,8	0,5	0,8	-	
6	Бошқа ерлар	1,1	1,7	1,0	1,6	0,8	1,3	-0,2	

“Аброр қизи Гулиза” дехқончиликка ихтисослашган фермер хўжалигига 290,300,302,156 -контурлардан умумий ер майдони жами 63,9 гектар ер ажратилган бўлиб, шундан суғориладиган экин ерлари – 60,3 гектар, 1,6 гектар тутзорлар эгаллаган ерлар, 0,4 гектар ариқлар ўрнидан иборат ерлар, 0,5 гектар йўл эгаллаган ерлар, 1,1 гектар бошқа ерлар майдонидан иборатdir. Туман ҳокимимнинг қарорига биноан “Аброр қизи Гулиза”

фермер хўжалигига 49 йил муддатга ерни ижарага бериш шартномаси қайта расмийлаштирилди.

Фермер хўжалигига жами 16 нафар ишчилар бўлиб, шундан 8 нафари доимий ишчилар ҳисобланади. Мехнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат шароитиларини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий тадбирларга, ободонлаштириш ишларига қатнашиш ва ердан тўғри фойдаланиш, агротехник тадбирларни тўғри амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш фермер аъзоларининг бурчи ҳисобланади.

Хўжаликнинг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини қуидаги жадвалда таҳлил қиласиз.

2.1.2-жадвал

**Қарши тумани “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигига ер ресурсларидан
фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили**

%	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисб.ўзг. % ҳисоб.
1	Жами суғориладиган экин майдони	га	60,3	58,0	56,0	92,9
-	Ш.ж. пахта майдони	га	30,3	26,0	32,0	105,6
-	Фалла майдони	га	30,0	32,0	24,0	80,0
2	Пахта ҳосилдорлиги	ц/га	24,8	29,1	23,6	95,3
3	Фалла ҳосилдорлиги	ц/га	45,0	50,0	53,8	119,5
4	Ялпи ҳосил	ц	2101,4	2356,6	2046,4	97,4
-	Пахта	ц	751,4	756,6	755,2	100,5
-	Фалла	ц	1350,0	1600,0	1291,2	95,6
5	1 га ерга пахта майдонига сарфланган харажат	минг сўм/га	1035,4	1453,8	1803,5	174,2
6	1 га ерга фалла майдонига сарфланган харажат	минг сўм/га	933,0	1200,0	1632	164,2
7	1 га пахта майдонидан олинган даромад	минг сўм/га	1407,0	1847,1	2194,0	155,9
8	1 га фалла майдонидан олинган даромад	минг сўм/га	1233,0	1607,3	2266	183,8
9	1 га пахта майдонидан олинган фойда	Минг сўм/га	371,6	393,3	390,5	105,1
10	1 га фалла майдонидан олинган фойда	Минг сўм/га	300,0	407,3	634,0	211,3

Ушбу жадвалда хўжаликнинг суғориладиган ерларидан олинадиган самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган бўлиб, бунда хўжаликнинг жами суғориладиган ерлари майдони 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 7,1 фоизга камайган. Бунинг сабаби хўжаликнинг умумий ер майдонлари ҳам йиллар давомида камайган, яъни тумандага аҳолининг ўсиши қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан томорқа ерларини ажратилганини дебоб. Хўжаликда пахта майдони 2012 йилда 26 гектарни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 105,6 фоизга етган. Бироқ ғалла майдони шу йиллар давомида 20 гектарга камайганлигини кўриш мумкин. Ердан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қиласиз, бунда 1 гектар пахта майдонидан олинган фойда кўрсаткичи таҳлил қилинаётган йилларда 105,1 фоизни, 1 гектар ғалла майдонларидан олинган фойда эса 211,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Демак, хўжаликнинг пахтачилик соҳасидаги муаммоларни ўрганиб, уни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. Қишлоқ хўжалигига пахта ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Пахтачилик тармоғи ўзининг мамлакат иқтисодиётидаги иқтисодий-ижтимоий аҳамияти, қишлоқ хўжалиги тармоғининг етакчи соҳаси сифатидаги ўрни, ҳукумат томонидан ушбу тармоқка бўлган эътиборда ўзини намаён қилмоқда. Бугунги кунда пахта хом ашёси етиштиришга республикамизда стратегик маҳсулот сифатида, давлат томонидан алоҳида этибор берилиб, пахтачилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларда давлатнинг ўрни сезилиб турмоқда.

Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида пахтачилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг марказини ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи асосини пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари эгаллади.

Демак, бундан хуроса қиладиган бўлсак, тармоқдаги иқтисодий муносабатлар шаклланишининг дастлабки ва энг асосий бўғини бу пахта хом ашёси етиштириш бўғини ҳисобланади. Ушбу хуросага таянган ҳолда бизнинг назаримизда, пахтачилик соҳасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини қўйидаги йўналишлар ва хўжалик, иқтисодий алоқалари доирасида гурӯҳларга ажратиш мумкин (2.3-расм):

1). Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурс таъминоти, хизматлар бозори тизими субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими.

2). Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизими.

Бунда, пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурс таъминоти, хизматлар бозори тизими субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими қўйидаги асосий таркибий қисмдан иборат бўлади:

-пахтачилик хўжаликлари билан, давлат бошқарув идоралари ўртасидаги: пахта хом ашёси етиштириш: маҳсулот сотиш; нав жойлаштириш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий ташкилий ва ҳуқуий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, турли мулкчилик шаклидаги ресурслар етказиб бериш тизими корхоналари ўртасидаги, ресурслар етказиб бериш, ресурс ижараси ва олди-сотдиси юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, турли мулкчилик шаклидаги хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари ўртасидаги хизматлар бозорида товарлар савдоши доирасида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, пахта хом ашёсини тайёрловчи ва қайта ишловчи давлат корхоналари ўртасида етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан пахта хом ашёси етиштириш, ресурс таъминоти тизимини молиялаштириш, кредитлаш, солиққа тортиш ва суғурталаш тизимни субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлари тизимидан иборат.

Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизими эса:

-пахтачилик хўжаликлари доирасида маҳсулот етиштириш, уни сотиш, ресурслар ва хизматлар харид қилиш юзасидан фаолиятини бошқариш режалаштиришнинг ташкилий-иктисодий тизими;

-пахтачилик хўжаликлари доирасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва моддий манбаатдорликни таъмин этиш борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий тизими.

Санааб ўтилган иқтисодий муносабатлар тизими ўз ўрнида янада кичикроқ ва мураккаброқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидан ташкил топган бўлиб, унинг асосини пахта етиштирувчи моддий манбаатдорлиги тизими ташкил этиши лозим. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, пахтачилик тармоғининг бозор шароитидаги барқарор ривожланиши, пахтакор дехқоннинг манбаатини тўлиқ ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки барча шароитлар тенглиги вазиятида, пахта хом ашёси миқдори, сифат кўрсаткичлари, таннахии, баҳо шаклланиши омиллари (истеъмол хусусиятлари), натижада жамият учун келтирадиган фойда миқдори айнан дастлаки бўғин ҳисобланган хом ашё етиштириш жараёнида шаклланади.

2.2.1-жадвал

Қашқадарё вилояти бўйича пахта майдони салмоғи ўзгариш динамикаси

Йиллар	Жами сугориладиган экин майдони (минг га)	Пахта майдони (минг га)	Пахта экин майдони салмоғи, (%)	Пахта майдони 2000 йилга нисбатан ўзгариши (%),
2000 й.	321,1	149,8	46,6	-
2005 й.	421,3	188,8	44,8	126,0
2009 й.	532,8	171,3	32,2	114,4
2010 й.	532,8	168,2	31,6	112,2
2011 й.	532,8	162,2	30,4	108,3
2012 й.	532,8	162,6	30,5	108,5

Таҳлиллар кўрсатишича, Қашқадарё вилояти бўйича жами пахта экин майдонлари 2000 йилда 149800 гектарни ва жами экин майдонларининг 46,6 фоизини ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб эса 30,5 фоизни ташкил этган. Шунингдек, камайиш пахта майдонларининг жами экин майдонлари таркибидаги салмоғида ҳам кузатилади. Вилоятда суғориладиган ерлар майдонининг кенгайиши билан нафақат пахта, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа тур маҳсулотларини етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Энди вилоятнинг Қарши туманидаги “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигига пахта етиштириш учун қилинган сарф-харажталар таркибини таҳлил қилиб чиқамиз. Пахта етиштириш сарф харажатлари таркибида амортизация харажатлари салмоғи ўрганилаётган йиллар давомида, 6,5 фоиздан, 0,4 фоизга пасайиб, иш ва хизматлар сарфи салмоғи 8,0 фоиздан, 13,1 фоизга ортиши ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий аҳволи ёмонлашганлигидан далолат беради. Чунки асосий механизация ишлари хўжаликларда техника етишмаслиги сабабли МТП лар томонидан бажарилиб берилмоқда. Натижада, хизматлар нархи юқорилиги боисдан пахта таннахии янада ортиб кетишига олиб келмоқда.

2.2.2 – жадвал

Қарши тумани “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигига пахта ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар, (%)

Йиллар	Жами харажат	Шу жумладан, ресурслар сарфи								
		Жами иш хаки	Ургулек	Ўғитлар	ЁММ	Аморти- зация.	Иш ва хизматлар	Умум и/ч харажати	Суғурга	Бонка хараллар
2000	100,0	32,5	4,3	11,3	18,6	1,8	15,9	6,9	0,3	8,4
2005	100,0	30,7	3,5	13,2	17,7	3,0	16,6	6,7	0,2	8,4
2009	100,0	25,5	9,5	16,5	14,3	2,2	16,7	6,4	0,3	8,6
2010	100,0	28,1	8,5	17,7	12,1	1,8	13,8	7,9	0,2	9,9
2011	100,0	38,0	8,4	19,9	13,1	0,2	12,6	0,2	0,4	7,2
2012	100,0	37,8	8,5	19,9	13,2	0,4	13,1	0,2	0,3	6,6

Таҳлиллар кўрсатишича пахтачилик тармоғидаги салбий молиявий натижалар (зарар) шаклланишида саноат маҳсулотлари нархи жуда тез ўсаётгалиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалигига нархлар шаклланиши ва қишлоқ хўжалигига моддий-техник воситалар етказиб берувчи соҳалар маҳсулотларига нарх шаклланиши механизмидаги фарқлар ҳисобидан кўрилаётган зарар жуда катта бўлмоқда. Натижада, соҳалар ўртасидаги нархлар номутаносиб ўсиши натижасида, катта микдордаги маблағ бошқа саноат соҳаларига ўтиб кетмоқда.

2.2.3- жадвал

Қарши тумани “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши	
						+; -	%
1	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	Сўм/ц	50400	73500	82200	31800	163,1
2	1 центнер пахтанинг таннархи	Сўм/ц	40240	56400	69800	29560	173,5
3	1 центнер ғаллани сотиш баҳоси	Сўм/ц	23500	26800	38500	15000	163,8
4	1 центнер ғалланинг таннархи	Сўм/ц	13600	21200	29000	15400	213,2
5	Жами пул тушуми	Минг сўм	69595,56	98490,1	111788,64	42193,08	160,6
-	Ш.ж. пахтачиликда	Минг сўм	37870,56	55610,1	62077,44	24206,88	163,9
-	ғаллачилиқда	Минг сўм	31725,0	42880,0	49711,2	17986,2	156,7
6	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	48596,34	76592,24	90157,76	41561,42	185,5
-	Ш.ж. пахтачиликда	Минг сўм	30236,34	42672,24	52712,96	22476,62	174,3
-	ғаллачилиқда	Минг сўм	18360,0	33920,0	37444,8	19084,8	203,9
7	Олинган фойда	Минг	20999,22	21897,86	21630,88	631,66	103,0

		сўм					
-	Ш.ж. пахтачиликда	Минг сўм	7634,22	12937,86	9364,48	1730,26	122,7
-	ғаллачиликда	Минг сўм	1336,5	8960,0	12266,4	10929,9	917,8
8	Рентабеллик даражаси	Фоиз	43,2	28,6	24,0	-19,2	1,8 мартага камайган
-	Ш.ж. пахтачиликда	Фоиз	25,2	30,3	17,8	-7,4	1,4 мартага камайган
-	ғаллачиликда	Фоиз	72,8	26,4	32,8	-40,0	2,2 мартага камайган

Ушбу жадвал маълумотларини таҳлил қиласар эканмиз, хўжаликнинг пахтачилик соҳасида таҳлил қилинаётган йиллар давомида иқтисодий кўрсаткичларида ўзгаришлар бўлган. Яъни пахтачиликда жами пул тушуми 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 163,9 фоизга ўсган. Ғаллачиликда эса бу кўрсаткич 156,7 фоизни ташкил этиб, жами қилинган харажатлар эса 203,9 фоизга ошганлигини кўриш мумкин. Хўжалик фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалиги 2010 йилни яхши якунлаган, яъни рентабеллик даражаси 43,2 фоизни ташкил этган. Бунда асосий ғаллачиликда юқори самарадорликка эришилган. Хўжалик 2011 йилда 26,4 фоиз рентабеллик эришиб, бу кўрсаткич 2012 йилда 32,8 фоизни ташкил этган. Демак, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан рентабеллик даражаси 2,2 мартага камайганлигини кўриш мумкин. Бироқ 2011 йилга нисбатан 2012 йилда 1,24 мартага ошган, пахтачиликда эса 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,4 мартага, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан эса 1,7 мартага камайганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, хўжаликнинг пахтачилик соҳасини ривожлантириш учун фан ва техника ютуқларидан ва илфор тажриба натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2.3. Хўжаликда пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.

Мазкур бўлимда қўйилган масала юзасидан олиб борилган таҳлиллар натижалари сифатида, Қарши туманида пахта хом ашёси етиштириш иқтисодий самарадорлигини оширишга тўсик бўлаётган қуидаги асосий омиллар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади:

- пахтачилик хўжаликларининг зарап билан ишлаши натижасида ва умуман пахта экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини давлат томонидан мақсадли молиялаштириш микдори камайиб бориши оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиши, шўрланиш даражаси ортиши жараёни муттасил давом этмоқда;

- ҳамон эски инерция билан пахтачиликда маҳаллий даражада режа бажариш ортидан қувиш ҳоллари мавжудлиги натижасида, илмий асосланган алмашлаб экиш тизими издан чиқиб, экин турига хос бўлган турли касалликлар ва зарапли ҳашоратлар қўпайиши натижасида пахта ҳосилдорлиги пасайиши кузатилмоқда;

- моддий-техник ресурслар нархи ўсиши суръатларининг, пахта хом ашёси баҳоси ўсиш суръатларидан юқорилиги натижаси сифатида, пахтачилик хўжаликлари тўлов қобилияти пасайиши ва моддий-техник базаси ёмонлашуви юз бермоқда;

- олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан, пахта хом ашёси етиштириш жараёнини молиялаш, кредитлар билан таъмин тизимининг номуккамаллиги натижасида хўжаликларда айланма маблағлар тақчиллиги юз бермоқда. Бу эса ўз навбатида агротехник тадбирларни белгиланган муддат ва сифатда ўтказишга салбий таъсир этмоқда;

- пахтачилик тармоғида микро иқтисодий күламда даромадлилик даражаси нисбатан пастлиги, соҳадан малакали мутахассисларнинг бошқа соҳаларга ўтиб кетишига олиб келиб, ёш мутахассилар билан тўлдирилишига салбий таъсир этмоқда. Бу эса тўпланган тажрибаларни сақлаб қолиш ва пахтачилик соҳасининг кадрлар салоҳиятига салбий таъсир этади;

- пахта хом ашёси ишлаб чиқариш, уни тайёрлаш ва сотиши тизимларида маъмурий услублар сақланиб қолаётганлиги, шунингдек, ушбу соҳадаги тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарининг монопол вазияти рақобат асосида фаолият юритаётган кўп сонли пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари учун катта иқтисодий муаммолар пайдо қилмоқда;

- олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан, пахта селекцион навларини жойлаштиришдаги бозор талаби, табиий-иклим шароитларининг ҳар бир ғўза навининг хўжалик ва биологик хусусиятлари билан мутаносиблигини таъмин этиш тизимининг яратилмаганлиги, нав жойлаштириш тизимидағи субъектив омиллар таъсирини кучайтируммоқда;

- аксарият ҳолларда унумдорлиги паст, шўрланиш даражаси юқори бўлган экин майдонларида ҳам ғўза экилиши, ўртacha ҳосилдорлик пасайиши орқали, пахта етиштириш иқтисодий натижаларига салбий таъсир этмоқда. Таъкидлаш жоизки аксария

т ҳолларда маҳаллий раҳбарлар томонидан бошқа экинлар учун ажратилган ерларга ҳам пахта жойлаштириш амалиёти юз бериб туриши ҳам пахта етиштириш иқтисодий аҳволига катта салбий таъсир килаётганлигини қўрсатиб ўтиш жоиз.

Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида пахтачилик тармоғидаги иқтисодий муносабатларнинг марказини ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи асосини пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари эгаллади.

Демак, бундан хulosса қиладиган бўлсак, тармоқдаги иқтисодий муносабатлар шаклланишининг дастлабки ва энг асосий бўғини бу пахта хом ашёси етиштириш бўғини ҳисобланади. Ушбу хulosага таянган ҳолда бизнинг назаримизда, пахтачилик соҳасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини қўйидаги йўналишлар ва хўжалик, иқтисодий алоқалари доирасида гурӯхларга ажратиш мумкин (2.3.-расм):

2.3.1-расм. Пахтачилик тармоғида иқтисодий муносабатлар тизими ҳозирғы ҳолати



1). Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурс таъминоти, хизматлар бозори тизими субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими.

2). Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизими.

Бунда, пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурс таъминоти, хизматлар бозори тизими субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими қўйидаги асосий таркибий қисмдан иборат

бўлади:

-пахтачилик хўжаликлари билан, давлат бошқарув идоралари ўртасидаги: пахта хом ашёси етиштириш: маҳсулот сотиш; нав жойлаштириш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, турли мулкчилик шаклидаги ресурслар етказиб бериш тизими корхоналари ўртасидаги, ресурслар етказиб бериш, ресурс ижараси ва олди-сотдиси юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, турли мулкчилик шаклидаги хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари ўртасидаги хизматлар бозорида товарлар савдоси доирасида пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан, пахта хом ашёсини тайёрловчи ва қайта ишловчи давлат корхоналари ўртасида етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар тизими;

-пахтачилик хўжаликлари билан пахта хом ашёси етиштириш, ресурс таъминоти тизимини молиялаштириш, кредитлаш, солиқقا тортиш ва суғурталаш тизимни субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлари тизимидан иборат.

Пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизими эса:

-пахтачилик хўжаликлари доирасида маҳсулот етиштириш, уни сотиш, ресурслар ва хизматлар харид қилиш юзасидан фаолиятини бошқариш режалаштиришнинг ташкилий-иктисодий тизими;

-пахтачилик хўжаликлари доирасида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва моддий манфаатдорликни таъмин этиш борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкилий-иктисодий ва ҳукуқий тизими.

Санаб ўтилган иқтисодий муносабатлар тизими ўз ўрнида янада кичикроқ ва мураккаброқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидан ташкил топган бўлиб, унинг асосини пахта етиштирувчи моддий манфаатдорлиги тизими ташкил этиши лозим. Бундан хуроса қиладиган бўлсак, пахтачилик тармоғининг бозор шароитидаги барқарор ривожланиши, пахтакор дехқоннинг манфаатини тўлиқ ҳисобга олиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки барча шароитлар тенглиги вазиятида, пахта хом ашёси миқдори, сифат кўрсаткичлари, таннархи, баҳо шаклланиши омиллари (истеъмол хусусиятлари), натижада жамият учун келтирадиган фойда миқдори айнан дастлаки бўғин ҳисобланган хом ашё етиштириш жараёнида шаклланади.

III.БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ПАХТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

3.1. Пахтачиликда ишлаб чиқаришни механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорациялаш тадбирлари самарадорликни оширишнинг муҳим омилларидан бири

Замонавий қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш нафақат дехқончиликни, балки чорвачиликни ҳам қамраб олади. Механизация кўрсаткичи 100 га ерга ва қишлоқ хўжалигига банд бўлган 1000 та иқтисодий фаол аҳоли сонига тўғри келадиган тракторлар сони билан белгиланади. Қишлоқ хўжалигига банд бўлган ишчи кучининг тракторлар билан таъминланганлиги бўйича энг юқори кўрсаткичлари билан экстенсив қишлоқ хўжалигини машиналаштириш йўлига ўтган кўп ерли давлатлар (АҚШ, Канада, Австралия) ажралиб туради. Гарчи, ривожланган мамлакатларнинг тараққий қилиши учун майдон миқдори ва ишда банд бўлганларга тўғри келадиган тракторлар сонининг энг юқори кўрсаткичлари хос бўлса ҳам улардаги трактор паркининг ўсиши (22%) жаҳондаги ўртacha ўсиш кўрсаткичи(29%)га нисбатан суст. Ривожланган мамлакатлардаги қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш жараёни танлаб олинган механизациялаштиришнинг мураккаб муаммолари билан боғлиқ Бу муаммолар муҳтасар қилиб айтганда, асосан, қуидагилардан иборат:

1. Замонавий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ташкил қилиниши турли мамлакатларга кўп миқдорда машиналар келтирилишини ва бунинг учун катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маблағи ажратилишини талаб этади АҚШда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш – товар ишлаб чиқариш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир Механизациялаштириш жараёни айниқса, АҚШда иккинчи жаҳон урушидан кейин тез суръатлар билан давом этди Чунончи АҚШда 1940 йилда 1567 минг, 1950 йилда 3612 минг, 1995 йилда 4675 минг трактор бор эди. Машиналар паркининг катталиги хўжаликлар майдалашганлиги билан ифодаланади, фермаларда жуда кўп ортиқча техника сақланган.

Шу билан бир қаторда кўпгина кичик ва ўрта фермалар механизация билан кам таъминланганлар Қиммат турадиган замонавий машиналарни сотиб олишга уларнинг қурби етмайди. Барча фермаларнинг 30%и ўз тракторига эга эмас, 34 таси эса фақат 1 тракторга эга. АҚШ қишлоқ хўжалигига электрлаштиришдан кенг фойдаланилмоқда, бир йил давомида қишлоқ хўжалигига 28 млрд квт/с электр энергияси ишлатилади. Ундан, асосан, суғорища, чорвачилик, хусусан, сут чорвачилиги ва паррандачиликда кенг фойдаланилади 666 минг ферма сут соғиши машиналари, 428 минг ферма сут сақланадиган электр совутгичлар, сув ва ем узатувчи электр қурилмаларига эга Барча механизациялар паррандачиликда бир ишчига 200 минг бройлер товуқларга хизмат кўрсатишга имкон беради. Бир вақтнинг ўзида майда хўжаликларда барча ишлар қўл меҳнати ёрдамида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг муҳим омилларидан бири — бу ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланишdir. Бунда айниқса, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор ҳолатда сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан, шўрланишга қарши чора кўрмасдан туриб экинлардан юкори ҳосил олиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга қаратилган

мелиорация тизимларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш комплекс тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2008—2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар Ўзбекистон Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси томонидан молиялаштирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мелиоратив техниканинг кўп профилли паркини янгилаш ва шаллантиришни рағбатлантириш, сув хўжалиги қурилиши ва эксплуатация ташкилотларини замонавий мелиорация техникаси ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда ихтисослаштирилган “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 50 га яқин давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

2008 йилдан бошлаб зовур-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга янгича ёндашилиб, бу ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ўтган йил мобайнида зовур-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш учун республика бўйича 15 млрд сўм маблағ ажратилиб, тасдиқланган графикка асосан 2008 йилнинг 1 октябрига қадар 427 та обьект бўйича лойиҳалаш ишлари тутатилиб, экспертиза муассасалари томонидан хulosалар олинди. Лойиҳа-қидирув ишларини бажариш учун тегишли корхоналар ва вазирлик тизимидағи лойиҳалаш ташкилотлари жалб этилди.

2008—2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига мувофиқ белгиланган дастурга мувофиқ қуидаги ишлар амалга оширилди:

- 10400 километрдан кўпроқ зовур-дренаж тармоқлари тизимли тозаланди;
- 880 километрдан ортиқ ёпиқ-ётиқ дренажларда ювиш ишлари амалга оширилди;
- зовурлардаги 350 га яқин кувурли ўтиш жойлари таъмирланди;
- 32 та сув ўлчаш (гидропостлар) иншоотлари, 1224 та мелиоратив тик қудуқлар, 62 та мелиоратив насос станциялар (агрегатлар) таъмирланди.

Жамғарма маблағлари ҳисобига яқин беш йил мобайнида ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 508 дона экскаватор, 116 дона бульдозер, 75 дона ёпиқ-ётиқ зовур-дренаж тармоқларини юувчи агрегатлар, 91 дона механизмларни ташиш учун ёрдамчи техникалар имтиёзли лизинг шартлари асосида харид қилиш белгиланган.

Хозирга қадар жойларга 126 дона гидравлик экскаватор етказилиб берилди. Бу замонавий техникалар албатта мелиорация тадбирларини сифатли ўтказиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, фермерлар даромадини ошириш, халқимиз турмушини фаровонлаштириш, давлатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожлантириш имконини беради.

Республика аҳолисининг аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи ҳам тўлиқ қондирилмаяпти. Уларнинг айримларини четдан олиб келиб, сотиш орқали ҳам бу муаммо тўлиқ ечилганича йўқ. Бу асосан дон, қанд, шакар маҳсулотларига, катошка ва чорвачилик маҳсулотларига, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотларига тегишли. Шунинг учун барча турдаги корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш энг долзарб муаммодир. У сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга. Бу муҳим муаммони ҳал этишнинг асосан икки йўли мавжуд:

◆ Экстенсив йўл. Яъни, экин майдонларини, чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш. Бу усули адабиётларда, Америка усули, деб ҳам аташади. Лекин унинг ривожлантирилиши айрим ишлаб чиқариш ресурслари, жумладан, ер ва сув ресурслари табиатан чекланганлиги сабабли тўлиқ таъминланмайди.

Бу усулда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш учун моддий маблағ ҳамда меҳнат сарфлари асосан янги ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муомаласига киритишига ҳамда чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтиришга қаратилади. Натижада ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг микдори кўпайтирилади. Шу билан бирга бу жараёнда янги техникаларни, илғор технологияларни, зооветеринария ишларини ҳам амалга ошириш талаб қилинади. Демак, бу усул ёрдамида ялпи маҳсулот ҳажми кўпайиши, сифати яхшиланиши таъминланади.

◆ Интенсив йўл. Яъни, фойдаланилаётган ерларнинг унумдорлигини ошириш, фан-техника, самарали технологияларни жорий этиш натижасида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини юксалтириш, чорвачиликда зотехнология, ветеринария ишларини ривожлантириш асосида ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш. Бу усули адабиётларда, Пруссия йўли, деб ҳам аталади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосан моддий, маблағ ва меҳнат сарфларини, фан ютуқларини, янги техникаларни ҳамда илғор технологияларни, ҳайвонларнинг насл ва зотларини, ўсимлик навларини яхшилашга қаратиш орқали, бинобарин, қўшимча инвестицияларни амалга ошириш ҳисобига таъминланади.

Республикада экстенсив йўл билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш сугориладиган ҳудудларда анча чекланган. Лекин интенсив усульдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бунинг учун, аввало, бутун аҳолида ватанпарварлик руҳи ривожланишига эришиш, ўз ҳаётимизнинг юксалишини ўзимиз таъминлашимиз керак, деган тушунча барчада мустаҳкам шаклланиши керак. Ватанпарварлик, албатта, иқтисодий тадбиркорлик билан мустаҳкам, реал боғланиши, чунончи, тадбиркорликни амалга ошириш учун маблағлар бўлиши лозим. Уларни асосан ишлаб топиш зарур, этишмаган қисмини эса давлат ва маҳаллий бюджетлардан, қарзлар ва бошқа манбалар ҳисобига қоплаш мумкин. Бу маблағларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, уларнинг сифатини таъминловчи қуйидаги тадбирларга сарфлаш мақсадга мувофиқдир:

- янги ерларни комплекс ўзлаштиришга;
- зотли, сермаҳсул чорва ҳайвонларини яратиш, сотиб олишга;
- янги боғлар, токзорлар, кўп йиллик дараҳтзорларни барпо этишга;
- янги ирригация-мелиорация тизимини барпо этиш, мавжудларининг ишга яроқлиигини таъминлаш мақсадида таъмирлашга;
- сермаҳсул ўсимлик навларини, чорва зотларини яратиш мақсадида фан-техникани ривожлантиришга;
- янги техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга изчил жорий этишга;
- ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш, кимёлаштиришни ҳамда электрлаштиришни таъминлашга;
- мавжуд асосий воситаларнинг ишга яроқлиигини таъминлашга;
- ўсимликчиликнинг, чорвачиликнинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабини имконият даражасида таъминлашга;
- ишчи-хизматчиларнинг билимини, малакасини юксалтириш ва моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришни реал, таъсиранч усууллар орқали ривожлантиришга;
- ишлаб чиқаришни либераллаштириш, эркинлаштиришга, ислоҳотларни чуқурлаштиришга;
- ишлаб чиқариш, давр харажатларини, молиявий харажатларни имконият доирасида камайтиришга;
- соликлар тизмини такомиллаштиришга;

- айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини эркинлаштириш ва бошқаларга.

Таъкидланган тадбирлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилиши натижасида ўсимликчилик, чорвачилик маҳсулотлари миқдорининг кўпайиши ва қийматининг ошиши таъминланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши улар ички ва ташки талабни қондириш мақсадида кўпроқ сотилишини таъминлайди. Натижада ўсимчилик, чорвачилик маҳсулотларининг товарлилик даражаси оширилади.

Хозирги даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотища эркин, рақобатли бозор талаб даражасида шаклланмаган. Шу сабабли, жамоа, ширкат ҳамда фермер хўжаликлари сотган маҳсулотларининг ҳақини вақтида ола олмаяптилар, оқибатда дебиторлик қарзлари ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш тизимини эркин бозор талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш лозим. Бунинг учун аввало, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзида маркетинг масалалари билан мунтазам шуғулланадиган гурухлар ёки бўлимларни ташкил этиш, уларни эркин бозор маълумотлари билан мунтазам таъминлаш зарур.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш билан шуғулланувчи барча ташкилотларнинг, корхоналарнинг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг бўлимларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак. Шундагина ортиқча харажатларга, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди: қишлоқ хўжалик корхоналари тез айнийдиган маҳсулотларни 70-100 км. масофадаги заводларга ташиб, вақтдан ютказмайди, ортиқча харажатлар қилмайди ва маҳсулот сифати ёмонлашмайди, маҳсулотларнинг кўпроқ, тезроқ, арzonроқ сотилиши таъминланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг ўzlари ҳам етиштирган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи уюшмалар ташкил этишлари мумкин. Уюшмага кирувчилар учун эркин, қулай шароитлар яратилиши лозим. Бундай уюшмалар маҳсулотларни сотища эркин рақобатли бозор вужудга келишида муҳим ўрин тутади.

Натижада қишлоқ хўжалик корхоналари маҳсулотларининг ҳақини келишилган муддатларда олиш имкониятларига эга бўладилар, уларни хўжаликлар ишлаб чиқаришга сарфлаши натижасида ялпи ва товар маҳсулотларини кўпайтиришга эришадилар.

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигига маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилашда ҳар бир технологик жараён учун оптималь агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур минерал ўғит миқдори белгиланган. Агарда меъёрдан ортиқ минерал ўғит солинадиган бўлса, экининг ҳосилдорлигига салбийтасир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далолат беради. Бу масаланинг ечими фан – техника тараққиётидадир. Фан – техника тараққиёти деганда фаннинг, техниянинг ва техниг барқарор ривожланиб бориши тушинилади. Бошқача қилиб айтганда, фан – техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унимли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унимли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан – техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга тасири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Масалан, ҳозирда пахта ва буғдойнинг серҳосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясиноширади,

корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини икки бўлиб ўрганади. Биринчи гурухга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсатгичлар киритилади. Бу кўрсатгичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсатгичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатланинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қўйдагилар киради;

1. Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу хўжалиқда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаланадиган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади.

2. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори.

3. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори.

4. Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори.

5. Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони.

Ана шу кўрсатгичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади. Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи

кўрсатгичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиб беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсатгичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қўйдагилар киради.

1. Ҳосилдорлик, ц/га.

2. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.

3. Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.

4. Меҳнат унумдорлигининг ошиши.

5. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.

6. Рентабелликнинг ўсиши.

7. Фонд қийматининг ошиши.

Ана шу кўсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришининг самарадорлиги аниқланади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигига интенсивлаштириш қўйдаги асосий йўналишларда олиб борилади: кимёлаштириш-қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали минерал ўғитларни ишлаб чиқриш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зааркунандаларга қарши қурашиш ва шу кабилар ҳақида гап борганда кимёлаштиришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигига сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши-ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришdir. Меҳнат унимдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришdir. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугинги ривожини кўриш мумкин эмас. Хулоса қилиб айтганда, этиштириладиган маҳсулот миқдори ва сифатини оширишга, меҳнат унимдорлиги

ошишига таъсир этувчи барча Фан, техника ва технология ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш омиллар эътибордан қолмаслиги ва ўз ўрнида ишлатилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, қайта таъмирлаш, куриш, инновацион ҳамда ижтимоий муносабатлар йигиндисидан ташкил топади.

3.2. Фермер хўжалигининг ер худудларини самарали ташкил этиш ва пахтачиликда алмашлаб экиш самарадорлик гаровидир

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер худудларини ташкил қилиш дейилганда ер майдонларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминлашга каратилган тадбирлар тизими тушунилади. Бу тизим қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташки чегараларини, ички бўлимларининг чегараларини, қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар таркибини белгилаш ва ишлаб чиқариш марказлари, ахоли яшайдиган қишлоқлар, мелиорация ва йўл шахобчаларини ҳамда бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, хўжаликни сув билан таъминлаш манбаларини аниқлаш тадбирларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалигига ер худудини ташкил қилиш, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Давлат, ер тузиш ишларини ўтказиш орқали ер муносабатларини хал қилиш билан бирга ердан оқилона, унумли фойдаланиш тадбирларини хам белгилайди.

Ердан фойдаланишини ташкил қилишда қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиш талаб этилади:

- ❖ ернинг давлат мулки эканлигини тўла эътироф этиш ва ундан фақат белгиланган мақсадлар учун фойдаланиш;
- ❖ ерни фойдаланувчиларга узок муддатга ,ки bemuddat фойдаланишга бериб қўйиш орқали, ердан фойдаланишини доимийлигини таъминлаш, ер худудини тез-тез ўзгартириб турилишига йўл қуймаслик;
- ❖ корхона ер худудини яхлит бир бутун холатида ташкил қилиш, бир неча қисм худудлардан иборат бўлишига иложи борича йўл қўймаслик;
- ❖ корхона ери худудида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
- ❖ корхонани ахолига маданий-маиший хизматни яхшилаш нуқтаи назардан энг қулай геометрик шаклда ўюштириш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юқорида келтирилган шартларга риоя килган холда ердан унумли фойдаланишини таъминлаш учун ички хўжалик ер тузиш ишлари ўтказилади ва натижада қуйидаги асосий масалалар хал қилинади:

- ички бўлимларнинг ва фермерларнинг ер худуди ва уларнинг миқдори аниқланади;
- қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар аниқланиб, алмашлаб экиш тизими ташкил қилинади ва жойлаштирилади;
- хўжалик ва бўлимларнинг марказий қўргонларини ташкил қилиш ва жойлаштириш мўлжалланади;
- йўл шахобчалари, алоқа, электр узатиш линиялари ва бошқа коммуникацияларни жойлаштириш, сув таъминоти режалари аниқлаб олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер худудларининг таркиби доимий бўлмай вақт ўтиши билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши таъсири ва талаби остида ўзгариб боради. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар бир турдан бошқа турга айланиб боради. ерларнинг бундай ўзаришига ер трансформацияси дейилади. Кам унумли ерларнинг капитал сарфлар қилиш туфайли, юқори унумли ер турига айланиб боришига ернинг ижобий трансформацияси, аксинча бўлса, ернинг салбий трансформацияси дейилади. Хозирги Ўзбекистон шароитида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиб уларга сув келтирилиши, сугориладиган экинзорга айлантирилиши ерларнинг ижобий

трансформациясига яккол мисолдир. Ерларнинг ижобий трансформацияси дехқончиликни ривожлантиришнинг объектив ва қонуний жара,нидир.

Экин майдонлар таркиби деб, жами экин майдонида, айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмогига айтилади. Экин майдонлар таркиби фақат агротехник тадбир бўлиб қолмай, балки энг мухим ташкилий - иқтисодий тадбир хамдир. Экин майдонларининг таркиби қуйидаги талабларга жавоб бериш лозим: а) тупроқ унумдорлигини барқарор ошириш; б) корхонанинг ўзаро мақсадга мувофиқ уйгунлаштириш. Шунинг учун экин майдонлари самарали таркибининг асосий вазифаси:

а) экинзорларнинг юқори унумдорлигига эришиш;
б) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартнома ва буюртма топшириқларини бажариш;

в) хўжалик ичик эҳтижларини қондириш учун зарур миқдорда маҳсулот етиштириш ва унинг юксак даромадлилигини таъминлашдан иборатdir. Қишлоқ хўжалик корхоналарида экин майдонлари талабига кўра алмашлаб экиш тизими белгиланади.

Алмашлаб экиш дейилганда, экинларнинг йиллар давомида маълум-далаларда режали тартибда навбати билан алмашлаб турилишини ташкилий-иктисодий жихатдан асослаш тушунилади. Алмашлаб экиш кенг маънода дехқончилик маданиятини асосини ташкил килади. У хам агротехник хам ташкилий-иктисодий тадбирларни ўз ичига олади. Ташкилий-иктисодий жихатдан алмашлаб экиш ердан, ишлаб чиқариш воситаларидан ва иш кучларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг энг асосий шарти, корхона фаолиятини даромадли бўлишининг негизидир.

Агрономия нуктаи назардан экинларни режали тартибда навбат билан алмаштириб туришнинг зарурлиги қуйидаги сабаблардан келиб чиқди. Турли хил ўсимликларда илдиз тизими турлича чуқурлиқда жойлашади. Шунинг учун илдизларнинг тупроқни хар хил чуқурлигига бўлган, очик майдонлардан фойдаланиши хам турлича бўлади. Маълум ер майдонига сурункасига бир неча йил, бир хил экин экилаверса ер кучсизланиб қолади, далани бегона ўтлар босади, хар хил касалликлар ва зааркундалар кўпаяди, пировард натижага тупроқ таркибида микробиологик жара,н монлашади. Турли хил ўсимликлар, тупроқ унумдорлигининг ошишига турлича таъсир кўрсатади. Чунки, хосил йигиштириб олингандан сўнг тупроқда турли миқдорда илдиз массаси колади. Булар тупроқда озиқ моддалари тўплаб, чириганидан сўнг қимматли органик ўгитга айланади. Демак, улар тупроқни озиқ моддалари билан бойитишдан ташқари унинг механиқ ва физик хоссасини хам яхшилади. Қишлоқ хўжалик корхоналарида алмашлаб экиш маълум тизимда лойихалаштирилади.

Алмашлаб экиш асосан уч типга бўлинади:

- ❖ далачилик;
- ❖ ем-хашак (ферма олди);
- ❖ маҳсус.

1. Далачилик алмашлаб экиши, энг кўп таркалган бўлиб, дон экинлари, картошка, лавлаги, мойли, техник ва бошқа дала экинлари етиштиришда қўлланилади. Бу тип асосан экинга қараб дон, лавлаги, пахта, беда ва х. к. алмашлаб экишларига бўлинади.

2. Ем-хашак типидаги алмашлаб экиш, чорвачиликнинг зарур озуқа талабини қондиришга йўналтирилган бўлиб, хар хил озуқа экинларини етиштириш учун мўлжалланади. Ем-хашак экинлари алмашлаб экишда озуқабоп экинлар жами экинзорнинг ярмидан кўпрогини ташкил килади. Ферма- олди ем-хашак алмашлаб экишда кўк ўтлар, ширали озуқалар етиштириш асосий ўринни эгаллайди ва чорвачиликда йил давомида "Яшил конвойр"ни ташкил қилишнинг асоси хисобланади.

3. Маҳсус алмашлаб экишда, сабзавот экинлари, тамаки-махорка ва бошқа техника экинлар етиштирилади. Маҳсус алмашлаб экиш маҳсус шароит ва агротехникани талаб килади. Масалан, шўрланган ерларни мелиорациялашда қўлланиладиган алмашлаб экиш, шоличилик алмашлаб экиши ва х. к.

Ўрта Оси,нинг сугориладиган ерларида гўза, асосий экин хисобланади. Шунинг учун сугориладиган умумий майдонинг камида 65-70% ни гўза, қолган 30-35% ем-хашак, озиқовкат экинлари ташкил этиши керак. Ем-хашак экинларни ичида беда йўнгучка етакчи ўринни эгаллади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш турли зоналарда ва хатто бир корхонада турли тупроқ шароитларида олиб борилганлиги учун сурункасига мўл ва арzon маҳсулот етиштиришни таъминлаш учун хатто бир корхонада алмашлаб экишнинг турли шакллари - схемалари қўлланилиши мумкин. Пахтакор хўжаликлари учун (5:4)=9 далали (3:6), 10 далали (3:7) ва 12 далали (3:9) алмашлаб экиш схемалари тавсия этилган. Бу алмашлаб экиш схемаларида уч далани беда ва олти далани пахта эгаллади. Беда биринчи йили маккажўхори, оқ жўхори, судан ўтига, кўк озуқа ,ки дон учун эса арпага қўшиб экиласди.

Ердан янада самарадорлик билан фойдаланиш учун беда экиласдиган биринчи далага дон учун кузги бошоқли дон, унинг ўрнига силос учун маккажўхори экиш, хосилни йигиштириб олиш биланоқ сентябр-октябр ойларида учинчи-асосий экин сифатига беда экиш хам мумкин. Бунда схема (1:2:6), (1:2:7) кўринишда бўлади ва иккинчи, учинчи йиллари беда ўстириласди. Алмашлаб экишда далаларни тўғри режалаштиришга, уларнинг хажмини, техникадан ва иш кучларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган бўлишига эътибор берилади.

Хар бир қишлоқ хўжалик корхонасида алмашлаб экишнинг маълум тизими қўлланилади. Экинлар далаларда схемада белгиланган тартибда тўла жойлашиб бўлганда гина алмашлаб экиш ўзлаштирилган хисобланади. Экинларни алмашлаб экиласдиган далаларда белгиланган тартибда бир марта алмасиб чиқиш даври ротация даври дейилади. 9 далали алмашлаб экиш схемасида бир ротация даври 9 йилга тенг бўлади.

Алмашлаб экишга иқтисодий жихатдан баҳо беришда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- алмашлаб экиш жорий этилган майдонинг хар бир гектаридан олинадиган маҳсулот миқдори (натура ва пул ифодасида);
- меҳнат унумдорлиги даражаси;
- маҳсулот таннархи ва рентабеллиги;
- ишлаб чиқаришнинг даврийлик даражаси ва даврлар бўйича меҳнат харажатларининг тақсимланиши;
- алмашлаб экишнинг у ,ки бу схемасини ўзлаштириш ва қўллаш билан бодлиқ бўлган капитал сарфлари ва уларни қоплаш муддатлари.

Корхонанинг истиқбол ва йиллик режаларини хамда фермер ва оила пудрати жамоалари учун ички хўжалик хисоби топширикларини тузишда, асосий кўрсаткич қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини режалаштиришdir.

Экинлар хосилдорлигини режалаштириш энг мураккаб ва шу билан бирга энг асосий ва зарур кўрсаткич хисобланади. Чунки хосилдорлик, ишлаб чиқаришнинг барча ўзига хос бўлган хусусиятларини, уларни экинга таъсирини ўзида мужассамлаштиради. Ишлаб чиқаришнинг айрим омиллари, экинлар хосилдорлигига бевосита таъсир этса ва бу таъсирни маълум даражада миқдор жихатдан хисоблаш имконияти бўлса-да (минерал ва органик ўгитлар, сув таъминоти, ернинг захини қочириш, янги нав уруглик, чукур шудгор қилиш ва х. к.), лекин бошқалари, экинлар хосилдорлигига бевосита таъсир этганлиги учун уларнинг таъсирини бевосита миқдор жихатдан хисобга олиша анча кийин (меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга хақ тўлаш, ишларни ўз вақтида ўтказиш ва х. к.).

Бундан ташқари хосилдорликка таъсир этувчи омилларнинг хар бири, ўзи алоҳида таъсир этмасдан, балки ўзаро бодлиқ ва бир-бирини тўлдирган холда таъсир этганда гина юқори натижага беради.

Бунда энг асосий хал қилувчи омил меҳнатдир. Бошқа хамма омиллар шу меҳнатнинг унумдорлигини оширишга хизмат килади.

Шуни назарда тутиш керакки, экин ери учун сарфланган меҳнатнинг унумдорлигига, яъни экинларнинг хосилдорлик даражасига, табиий шароитлар ва омиллар хам катта таъсир кўрсатади. Бу хол экинлар хосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида беш - олти йиллик ўртacha даражага асосланиши талаб қилинади. Режалаштириладиган хосилдорлик қанча узок муддатга хисобланадиган бўлса, эришиладиган ўртacha хосилдорлик даражаси учун шунча узоқ муддатни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Тахлил қилиш орқали ўртacha хосилдорлик хамда, ўртacha йиллик ўсиш суръатлари аниқланади. Қабул қилинган ,ки эришилган ўртacha йиллик ўсиш суръатига кўра, маълум истиқбол йил учун хосилдорлик режалаштирилади.

Экинлар хосилдорлигини унга таъсир этувчи энг асосий омилларни хисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари, бир хил ўзгармайдиган бўлиши керак. Шундан таъсири хисобланадиган омилларга: минерал ва органиқ ўгитларни қўллаш, янги уруглик навлари, сув таъминоти меҳнатни ташкил этиш ва хоказолар киради. Илмий тадқиқот институтлари маълумотларига кўра дехқончиликда экинлар хосилдорлигининг ўсишининг 50 фоизи минерал ўгитлар хиссасига тўгри келар экан. Пахтачиликда, ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига, ўртacha 12-14 центнер хосил олишни таъминлайди. Қолган хосил, яъни қўшилган хосил ерга қўшимча меҳнат ва маблаг сарфлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ошиши хисобига етиширилади. Хақикатда сарф қилинган соғ миқдордаги ўгитнинг бир бирлигига етиширилган хосилнинг миқдори аниқлаб олингандан кейин уни режалаштирилган қўшимча ўгит сарфига кўпайтириш орқали қўшимча олинадиган хосил миқдори аниқланади.

3.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта ҳом-ащёси ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш истиқболлари

Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдан кўзланган мақсад ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат. Ресурслар сарфини камайтириш негизида кўпроқ даромад олиш вазифаси - ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, ер ва сув таъминоти даражаси, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, тупроқ таркибининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш салоҳиятларидан унумли фойдаланиш хисобига амалга оширилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қишлоқ хўжалигига ерга эгалик муносабатлари шакланиши, дехқон ўз меҳнати натижасидан бевосита манфаатдор бўлиши ва пировард натижадан рағбатлантирилишини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ва хусусий мулк ривожланишига қулай бўлган шарт-шароитлар яратилди.

Пахтачилик тармоғи мамлакатимиз иқтисодиётидаги мухим ўрин тутади. Бу борада Республикализ Президенти И.А.Каримов, «...пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий мухим бўлган дори- дармонлар, техника ва технология ускуналарини импорт қилиш, сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир»², - дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Пахтачилик тармоғида бошқаришнинг айрим маъмурий дастаклари сақланиб қолганлиги харажатларни тежаш, маҳсулот сифатини оширишда дехқон манфаатдорлиги оширилишига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалигига пахта етишириш фермерга нисбатан кам даромад келтирмоқда. Шунингдек, ҳудудлар табиий-иқлим шароитини хисобга олиб нав танлаш, жойлаштиришга эътиборсизлик, уруғчилик тизимидағи муаммоларнинг мавжудлиги фермер хўжаликлари даромади миқдорига салбий таъсир кўрсатмоқда.

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.:Ўзбекистон,1995. -59 б.

Пахтачилик соҳасидаги экологик вазият билан боғлиқ тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, шўрланиш даражасининг ортиши, сув тақчиллиги туфайли вужудга келаётган муаммолар Қорақалпоғистонда яққол кўзга ташланмоқда. Шу боис, пахтачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг иқтисодий дастакларини амалиётга жорий этишга бағишлиланган илмий тавсиялар ишлаб чиқиши долзарб илмий муаммо ҳисобланади.

Пахтачилик соҳасидаги иқтисодий муносабатлар тизими мухим йўналишлар бўйича гурухланган. Бунда хўжаликларнинг маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурс таъминоти, хизматлар кўрсатиши субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими; хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги иқтисодий муносабатлари ташкил этиши асосланган ҳолда ҳар бир гурух таркиби гурухлаб чиқилган.

Ташкилий-иқтисодий муносабатлар маҳсулот етиштириш, сотиш, есурс таъминоти, хизматлардан фойдаланишдаги иқтисодий муносабатлар тизими, пахтачилик хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ички иқтисодий муносабатлари тизими - маҳсулот етиштиришни бошқариш, режалаштириш, навларини жойлаштириш борасидаги иқтисодий муносабатлар тизимлари билан ўзаро боғлиқ тарзда амал қилинишига асосланган.

Навларни жойлаштиришдаги бундай вазият пахтачилик хўжаликларида нав агротехникасини ўзлаштириш имконияти камайиши туфайли, ҳосилдорлик пасаймоқда; навлар экин майдонлари тез-тез ўзгариши тайёрланган уруғлик чигит ва навларнинг экин майдонлари ҳажмлари бир- бирiga тўғри келмасдан, уруғлик етмай қолиши ёки ортиқча уруғлик тайёрланиши каби ҳолатлар юз беришига олиб келади.

Бу ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати пасайиб, пахта етиштирувчи хўжаликларда хом-ашё етиштиришнинг заарлилиги ортишига олиб келади.

Ушбу вазиятларнинг олдини олиш учун қуйидагилар ҳал этилиши лозим:

- навларни жойлаштириш режаси узок муддат (3-5 йил) га ишлаб чиқилиши керак. Жойлаштириш режа кўрсаткичидан четлашиш кам бўлиши лозим;
- навларни жойлаштиришда маъмурий ҳудудлар (туман, вилоят) бўйича жойлаштириш тажрибасидан воз кечиши ва навларни пахта тозалаш заводларига бириктирилган (худуд) бўйича жойлаштириш лозим. Ушбу тизимда, уруғчилик ва элита хўжаликлари ҳам пахта тозалаш заводига иқтисодий-худудий жиҳатдан бириктирилиши керак.

1. Республикада пахтачилик хўжаликлари иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, дехқоннинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш масаласи аста-секинлик билан ривожланмоқда.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш – бу давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш молиявий фаолиятига аралашувини камайтириши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш муносабатлари тез ўзгаришга мойил эмаслиги, ўнлаб йиллар давомида шаклланиши билан бирга, ўз имкониятларини сарф этиши асосида, янги ишлаб чиқариш усусларирига ўрин беради. Аммо, бу жараён узок давом этувчи босқичларни бошдан кечира бориб, такомиллашиб боради.

Иқтисодиётни эркинлаштириш - қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

а) Фермернинг мулкий ҳуқуқлари кафолати бўйича: мулкий ҳуқуқлари таъминланганлиги; ишлаб чиқариш воситаларига эгалиги; ишлаб чиқариш предметлари ва маҳсулотга эгалик даражаси; яратилган қўшимча қийматга эгалиги даражаси;

б) Фермернинг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги бўйича: экинлар таркибини белгилаш, агротехник тадбирларни амалга ошириш эркинлиги;

маҳсулот сотиш каналини танлаш, баҳо белгилаш эркинлиги; маҳсулот экспорт қилиш борасидаги эркинлиги даражаси.

в) Ресурс ва хизматлар бозоридаги танлов эркинлиги бўйича: рақобатли мухитда мавжуд бўлган ресурслар бозоридан маҳсулот сотиб олиш имконияти; рақобатли мухитда мавжуд

бўлган хизматлар бозоридан хизматлар харид қилиш; рақобатли мухитда мавжуд бўлган тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарига маҳсулот сотиш имконияти.

3. Бозор шароитида навларни жойлаштириш масаласи биринчи нав- батда, ресурслар сарфи бирлиги ҳисобига, бозор талабига кўпроқ жавоб берадиган ва нисбатан арzon маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мақсадида амалга оширилади. Навларни жойлаштириш қўйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- ресурслардан самарали фойдаланиш талабга жавоб бериши; бозор конъюнктураси ўзгариши ҳисобга олиниши; фермерга пахта экин майдони ҳисобига энг кўп фойда олиш имкони таъмин этилиши; сифатли уруғлик билан таъмин этиш ва уруғлик захирасини ташкил этиш имконияти, фермернинг навлар агротехникасини ўзлаштирганлик даражасини ҳисобга олиши зарур.

4. Навларни жойлаштириш иқтисодий самарадорлик мезонлари сифатида қўйидаги кўрсаткичлар тавсия этилади:

- фермернинг пахта экиш учун мўлжалланган ер майдонлари ҳисобидан энг кўп фойда олиш вазифаси ҳал этилиши; фермернинг мазкур ҳудуд доирасида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиши вазифасини ҳал этилиши; фермернинг навлар агротехникасини ўзлаштириш кўнимкамлари ва сифатли уруғлик билан таъминотини ҳисобга олиш.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича, пахтачиликда иқтисодий самарадорлик ўсишига тўсиқ бўлаётган қўйидаги омиллар мавжуд: пахта экин майдонлари мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда; режа ортидан қувиш натижасида, алмашлаб экиш издан чиқиб, ҳосилдорлик пасаймоқда; ресурслар нархи тез ўсиши натижасида хўжаликлар моддий- техник базаси ёмонлашмоқда; тармоқ молиявий аҳволи, соҳадан малакали мутахассислар кетиб қолишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат аграр соҳадаги кадрлар салоҳиятига салбий таъсир этмоқда; тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарининг монопол ҳолати пахтачиликка зарар келтирмоқда.

6. Пахтачиликда навлари жойлаштиришда маъмурий ҳудуд бўйича эмас, балки пахта тозалаш заводи ҳудуди бўйича жойлаштириш лозим. Уруғчилик хўжалиги ҳам пахта заводига бириктирилган майдонда u1078 жойлашиши керак. Бунда: пахта заводи бир турдаги навни тозалайди, ургунинг навдорлиги таъминланади ва уруғ аралашиши олди олинади; бир пахта заводи ўз ҳудуди хўжаликларга уруғ тайёрлайди. Завод, уруғчилик хўжалиги ва нав муаллифи учун кооперация асосида ишлаш имкони яратилади; нав муаллифлари нав агротехникасини назорат қилиш билан бирга, фермерлар малакасини ошириш устида ҳам ишлаши мумкин бўлади; ҳудуд шароитига мос уруғ экиш навлар биогенетик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

7. Навларни жойлаштиришни умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида, «Нав жойлаштириш коэффициенти» тавсия этилмоқда. Ушбу услуб Билан Қорақалпоғистон учун нав жойлаштириш ҳисоб-китоб қилинди. Тавсияда «С-4727» нави амалдаги 56,5% ва вазирлик прогнозидаги 51,7% ўрнига 30% ни ташкил этган. Амалда 7,6% салмоққа эга ва вазирлик прогнозида кўзда тутилмаган «Бухоро-6» нави 10% ни, амалда экilmagan, вазирлик прогнозида 20,7% ни эгаллаган «Бухоро-102» нави 30% салмоққа эга бўлган.

8. Тавсия этилган пахтачилик иқтисодиётини эркинлаштириш даражасига баҳо бериш усули асосида фермер хўжалиги фаолияти эркинлигини ошириш йўналишлари тавсия этилди, хусусан:

- хўжаликлар экин майдони маълум қисмини (15-20%), сабзавот ва дуккакли ем-хашак экинлари экиш учун рухсат бериш лозим;
- пахта етиштириш, ҳосил йиғишга маҳаллий ҳокимиятлар аралашиши, дехкон ташаббусини чеклаб, боқимандачилик кайфиятларини шакллантиришга асос яратади;
- фермер хўжаликларини ресурслар билан таъминловчи хусусий сектор фаолиятини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу битириув малакавий ишимда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги “Аброр қизи Гулиза” фермер хўжалигининг пахтачилик соҳасида эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлари билан танишиб чиқдим.

Бизга маълумки, қишлоқ хўжалигида ҳозирги вақда барча ишлаб чиқарилаётан маҳсулотлар ичида пахта маҳсулоти хорижий мамлакатларида экспорт қилинадиган асосий маҳсулот тури бўлиб, улардан тушаётган пул даромадларини оширишда экспорт қилиш орқали эришилмоқда. Бу борада барча тармокларида бозор иқтисоди талабларига мос келадиган ташкилий, техникавий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирлар тизими ҳаётга ўз вақтида, сифатли татбиқ этилишини объектив равишда тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан хўжаликда пахтачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини қўйидаги тадқиғ ва тавсиялар орқали изоҳлаш мумкин:

1. Қишлоқ хўжалиги пахтачилик тармоғида ялни ҳосилни кўпайтиши ва унинг сифатини яхшилаш тадбирлари:

- экинларнинг серҳосил навларини, чорва ҳайвонларининг эса сермаҳсул зотларини яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш;
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинларни сув билан таъминлаш тадбирларини ривожлантириш;
- чорва ҳайвонларини сифатли озука билан таъминлаш ва озиқлантиришни талаб даражасида амалга ошириш;
- экологияни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларида маҳаллий, маданий ўғитлардан ҳамда кимёвий воситалардан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни талаб даражасида таъминлаш;
- маҳсулотларнинг сифатини, уларни ташиш ва сақлаш жараёнларини яхшилаш тадбирларини тезкорлик билан амалга ошириш ва бошқалар.

2. Қишлоқ хўжалиги пахтачилик тармоғида модий, меҳнат ва пул харажатлари тежалишини таъминловчи тадбирлар:

- ишлаб чиқаришни самарали жойлаштириш, ихтисослаштириш ва ташкил этишни жадаллаштириш;
- янги техникаларни, илғор технологияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш натижсида иш жараёнларини тўлиқ механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш;
- ишчи-хизматчиларни рафбатлантириш тизимини ривожлантириш;
- давр ҳамда молиявий харажатларни имконият даражасида камайтириш ва бошқалар.

3. Бозор иқтисоди муносабатларини қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳасида жорий этишини эркинлаштириши ва жадаллаштириши тадбирлари:

- саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, сотишни эркинлаштириш, улар ўртасидаги эквивалентликни таъминловчи тадбирлар жорий этилишини жадаллаштириш;
- нодавлат мулкчилик шакллари барпо этилишига асосланган тадбиркорлик турларини ривожлантириш;
- инвестициялар жалб этилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни жорий этиш;
- биржаларнинг турларини ривожлантириш;
- суғурта ишларини ривожлантириш ва бошқалар.

Бу тадбирлар, аввало, этиштириладиган маҳсулотлар миқдорини талаб даражасида кўпайтишига ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши зарур. Маҳсулотлар миқдори экин майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш

хисобига кўпайтирилиши мумкин. Экин майдонларини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш талаб этилади. Лекин бу тадбир чекланган. Шунинг учун асосий эътиборни экинларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратиш зарур. Бунинг учун экинларнинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш, ирригация, мелиорация, агротехник, кимёвий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш натижасида тупроқнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш лозим. Шу билан биргалиқда экинларни алмашлаб экишни илмий асосланган ҳолда кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Алоҳида эътибор ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилиши зарур.

Юқоридагилар билан бирга ишлаб чиқариш, давр ҳамда молиявий харажатлар ҳажмини қисқартириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун корхоналарнинг, меҳнатнинг оқилона шаклларини ташкил этиш талаб этилади.

Янги техника, илғор технологияларни ҳаётга жорий этиш натижасида жонли меҳнат харажатлари камайишини исботлаш лозим. Бу жараённинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграциясининг ривожланиши билан бевосита боғлиқлигини исботлаш зарур. Чорва ҳайвонлари маҳсулдорлигини ҳам ошириш лозим. Бунинг учун наслчилик ишларини йўлга солиш зарур. Чорва ҳайвонларини тўйимли ем-хашак билан таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқдир. Бу тармоқда ҳам барча харажатларни қисқартириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳукуқий ва меъёрий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон». 2008.– Б.40.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» // Солиқ тўловчи журнали. 1998. – № 7–8. – Б.12.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалигилари тўғрисида»ги Қонуни (Янги таҳрирда) // «Халқ сўзи» газетаси. 2004. – 15 октябрь.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни // «Халқ сўзи» газетаси. 1998. – 6 июнь.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси». 2007. – 25 декабрь. – Б. 263.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси». –Т., «Адолат», –1999.– Б.136 .
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2009.– № 52. – Б.17-54.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартағи «Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони //Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан», 2003. – Б.7.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалигиларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони //Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.12.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони. 2008. –28 ноябр.

- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги «Сувхўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги №320-сонли Қарори. 2003. – 21 июль.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжалигиларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли Қарори. 2004. – 24 декабрь.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалигиларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.41.
- 1.14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли Қарори //Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асослари. – Т., «Фан». 2003. – Б.16.
- 1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалигиларга айлантириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2006. – 11 ноябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асари ва маърузалари

- 2.1. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995. – Б.273.
- 2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., «Ўзбекистон», 1998.– Б.211.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999. – Б. 125.
- 2.4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий–иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzasi // Халқ сўзи. – 2009. 14 февраль.
- 2.5. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т., Ўзбекистон, 2009. – Б.56.
- 2.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., Ўзбекистон, 2011. – Б.47.
- 2.7. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлди. – Т., Халқ сўзи, 2012.
- 2.8. Каримов А.И. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ

3. Монографиялар, китоблар, рисолалар ва илмий мақолалар

- 3.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик-Т.: Фан, 2005-288 бет.
- 3.2. Абдуғаниев А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти Тошкент, 2004 й, 304 бет.
- 3.3. Айбенов X., Рахмонов М., “Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш” Т.: 57 бет. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 9-10 сони.
- 3.4. Айбенов X. Мамадалиев А. Айбенова А. “Қишлоқ хўжалик иқтисодий ислоҳотлар талаб даражасида бўлиши” – Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси -2004 йил 4-5-6 сони 18-бет.

- 3.5. Вахабов А., Иброхимов А., Ҳакимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ, 2003й, - 176 бет.
- 3.6. Вахабов А.В ва бошқ. Хорижий инвестициялар. – Т.: Молия, 2010 й, 328 б.
- 3.7. Волкова Н.А. и др. Экономика сельского хозяйства и преработывающих предприятий, М.: “Колос”, 2005 г, 240 с.
- 3.8. Жўраев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”, “Истиқлол”, Тошкент 2004 й. Дарслик, 504 б.
- 3.9. Ибрагимов Р. Худудий тадбиркорлик истиқболлари. // Иқтисод ва ҳисобот, № 3, 57 бет.
- 3.10. Ишмуҳаммедов А., Асқарова М. “Ўзбекистон Миллий Иқтисодиёти”, Ўқув қўлланма. Тошкент-2004 й, 154 б.
- 3.11. 3.18. Курдатов F.X. “Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон ғаллачилигидаги иқтисодий муносабатлар”, Монография, Т.: “Иқтисод-молия”, 2006, 250 бет.
- 3.12. Курдатов F.X. “Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари”, Т.: “Иқтисодиёт ва таълим”, 2008, №3, 105-108 бет.
- 3.13. Маҳмудов О. “Аҳоли фаровонлиги йўлида”. // Иқтисод ва ҳисобот. № 9, 1996.
- 3.14. Минаков И.А. Экономика сельского хозяйства, М.: “Колос”, 2005 г. 400 с.
- 3.15. Сергеев И.В, Ветеренников И.И. Экономика организаций (предприятий), М.: “Проспект”, 2008 г, 560 с.
- 3.16. Салимов Б., Ҳамдамов Қ., Турсунхўжаев Т., “Жаҳон қишлоқ хўжалиги”, Ўқув қўлланма. Т.: -2004 й, 206 бет.,
- 3.17. Тўраҳўжаев Т. “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш технологияси”. Ўқув қўлланма. Т.: 2004 й, -153 б.
- 3.18. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й, -268 бет.
- 3.19. Умирзоқов У.П. ва бошқалар “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 й, - 276 б.
- 3.20. Ҳакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М. “АСМ иқтисодиёти” Т.:, 2004 й, 45-51 бет., ўқув қўлланма.
- 3.21. Ҳамдамов Қ. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш”, Ўқув қўлланма. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. Т.: -2004 й, -206 бет.,
- 3.22. Эргашев Р.Х. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, Дарслик. Т.: “EKSTREMUM PRESS”, 2011 й, -416 б.
- 3.23. Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т., «Янги аср авлоди». 2012. – Б.331.
- 3.24. Эргашев Р.Х., Шоҳўжаева З.С., Ҳамраева С.Н. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, 1-2 қисм, Қарши, Услубий қўлланма, 2009, 56 бет.
- 3.25. Эргашев Р.Х., Шоҳўжаева З.С., Ҳамроева С.Н. “Деҳқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти”, 1-2 қисм, Қарши, Услубий қўлланма. 2009, 98 бет.
- 3.26. Московская сельскохозяйственная академия. www.ecfak.timacad.ru
- 3.27. Саратовская сельскохозяйственная академия. www.tstu.ru
- 3.28. Попов Н.А. «Основы рыночной аграрной экономики и селского предпринимательства», М.: Тандем, 2005, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
- 3.29. Попов Н.А. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2005, <http://shopper.hl.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
- 3.30. Коваленко Н.Я., Экономика сельского хозяйства, М.: “ЮРКНИГА”, 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>